БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 182 (17.762). • 8 август 1980 йил, жума • Баҳоси 2 тийин.

ТАШАББУСГА ҚЎШИЛИБ

Гагарин районининг коммунистлари ва барча меҳнаткашлари партия Марказий Комитетининг КПССнинг навбатдаги XXVI съездини чақириш тўғрисидаги қарорини жонажон Коммунистик партия учун, кўп миллатли Ватанимиз учун фахрланиш ҳисларига тўлиб кутиб олдилар.

Район чорвадорлари КПСС Марказий Комитети 1980 йил июнь Пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб қайтариб, Тошкент районининг меҳнаткашларининг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, беш йилликнинг якунловчи йилини зарбдорларча ишлаш йилига айлантиришга ҳаракат қилмоқдалар. Район меҳнатчилари ўртасида 1980 йилги ва умуман беш йиллик учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муддатидан барвақт бажариш учун мусобақа кенг авж олдириб юборилди.

Гўшт етиштириш юзасидан беш йиллик планни 1 сентябрга чача 130 процент бажаришга ва ялпи гўшт етиштиришни 2415 тоннага етказишга, сут етиштиришни 103 процент бажаришга ва ялпи сут маҳсулотини 19242 тоннага етказишга, тухум етиштиришни 106 процент бажаришга қарор қилинди. Шу муддатгача барча тўрдаги чорвачилик маҳсулотларини давлатга топшириш юзасидан социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини ҳам таъминлаш мўлжалланмоқда.

Шу йилнинг ўзида районда гўшт, сут ва тухум тайёрлаш 1979 йилга нисбатан 30 процент кўпаяди. Ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сут миқдори 3200 килограммга, ҳар бир товуқдан олинадиган тухум миқдори 180 донага, давлатга топшириладиган қорамолнинг ўртача тирик вазни 460 килограммга етказилади.

Жамоат чорвачилиги учун мустаҳкам ем-хашак заҳираси вужудга келтирилади. Суғориладиган майдонларнинг ҳар гектаридан 250 центнердан беда пичани, 100 центнердан маккажўхори дони, 500 центнердан силосбоп кўкпоя, 500—600 центнердан хашаки лавлаги олиш мўлжалланмоқда. Қиш мавсуми учун 55 минг тонна хашак, шу жумладан, 300 минг тонна сенаж, 20 минг тонна беда пичани ва бошқа хил озуқа ғамлаб қўйишга қарор қилинди.

Район меҳнаткашлари чорвачиликни ривожлантириш юзасидан қабул қилинган барча социалистик мажбуриятларни бажаришга, КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга қатъий бел боғлашган.

КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК!

МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ — МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

ТЕЖАМКОРЛИК УМУМХАЛҚ ВАЗИФАСИ

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида қилган докладида тежамкорлик энг муҳим умумдавлат вазифаси бўлиб қолаверишини алоҳида таъкидлади. Партиямизнинг бўлажак съездига тайёргарлик юзасидан ўтказилаётган социалистик мусобақа қатнашчилари пландан ташқари тайёрланадиган бутун маҳсулотни моддий ва меҳнат ресурсларини тежаш ҳисобига ишлаб чиқариш резервларини камоли ғайрат билан ҳаракатга келтирмоқдалар.

Тежамкорлик — совет кишиларига хос ажойиб фазилат. Иқтисод қилиш ва тежамкорлик мусобақасида иш вақтидан самарали фойдаланиш, машина-ускуналарни тўла қувват билан ишлатиш ҳам ҳисобга олиниши, электр энергияни нобуд қилмаслик назарда тутилиши, металл сарфини камайтириб бориш, қурилиш материалларини ишнинг кўзини билиб ишлатиш алоҳида эътиборга олиниши лозим. Ўзбекистон саноати иш вақтининг ҳар бир минутида 120 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқаради. Кейинги ўн йилликда иш вақти ҳар минутининг қадр-қиймати икки баравар ортди.

Энергетикани тараққий эттириш соҳасидаги муваффақиятларимиз таҳсинга лойиқ. Республикада электр энергия ҳосил қилиш бундан 20 йил аввал 1 миллион киловатт билан ўлчанса, эндиликда станцияларимизнинг умумий қуввати 8 миллион киловаттга етди. Якунловчи йилнинг олти ойи мобайнида электр энергия ҳосил қилиш 16,36 миллиард киловатт-соатни ташкил этиб, 272,9 миллион сўмлик энергия реализация қилинди. Пландан ташқари 5,1 миллион сўмлик фойда кўрилди.

Республика корхоналарида машина ва ускуналар тайёрлашга сарфланаётган металл ҳажмини камайтириш учун олиб борилаётган мусобақа ўз натижаларини бермоқда. Кейинги уч ойда саноатимиз ходимлари маҳсулот ишлаб чиқаришга металл сарфлашни 2,943 тонна камайтиришга муваффақ бўлдилар. Қурувчиларимиз эса ўтган йилнинг дастлабки уч ойидагига қараганда 2.147 тонна кам металл ишлатишнинг уддасидан чиқдилар. Бу — тежамкорлик учун кураш самараси.

Иқтисод қилиш ва тежамкорлик соҳасида қўлга киритилаётган ютуқларимиз оз эмас. Партия XXV съезди қарорларини амалга ошириш учун кураш мусобақасида саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, транспорт тармоқларининг минг-миллиб омилкор ишчилари ҳамда мутахассислари иқтисод қилиш ва тежамкорлик соҳасида катта муваффақиятларга эришаётгани, бу билан ҳақли равишда фахрланиш мумкин. Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Наманганди 2-пахта тозалаш заводи, Тошкентдаги «Подёмник» заводи партия ташкилотларининг тежамкорлик масалаларини комплекс тарзда ҳал қилаётганликларидан ҳар бир корхона коллективи ибрат олса арзийди.

Ютуқларимиз қанча кўп бўлмасин, партия бизга ҳар соҳада тежамкорлик йўлини оғишмай амалга оширишни ўргатмоқда, иқтисод қилиш, моддий ресурсларни тежаб-тергаб сарфлашга даъват этмоқда. Сир эмаски, баъзи корхоналарнинг ва қурилиш-монтаж ташкилотларининг, транспорт тармоқларининг ходимлари моддий ресурсларни авайлаб сарфлашга етгиничча эътибор бермаётирлар. Шунинг оқибатида 1980 йилнинг олти ой мобайнидагина республикамиздаги 35 та корхонанинг ўзида 36 миллион киловатт-соат электр энергия ортиқча сарфлаб юборилди. Бу ўринда Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги корхоналари «рекорд» кўрсаткичга эришдилар, 30 миллион киловатт-соат электр энергия ана шу тармоқ корхоналаридаги хўжасизлик оқибатида ортиқча сарфлаб юборилди.

Партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва хўжалик органларининг раҳбарлари социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқиш вақтида тежамкорлик натижаларига эътибор билан қарашлари, иш вақтини тежаш, машина-ускуналардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ёқилғи ва энергетика ресурсларини иқтисод қилиб қолаётган қолиблларнинг тажрибасини кенг ёйиш, мусобақа ғолибларини рағбатлантириш йўлини изчиллик билан амалга оширишлари зарур.

Фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга дадил жорий этиш тежамкорлик соҳасидаги курашда катта самаралар беришини тўпланган бой тажрибалар тасдиқлаб турибди. Шундай бўлса-да, баъзи партия ташкилотлари меҳнат аҳлининг диққат-эътиборини тежамкорлик масалаларига тегишинча сафарбар қилмаяптилар. Шунинг оқибатида давлатнинг минглаб киловатт-соат билан ўлчанадиган электр энергияси, юзлаб тонна билан ҳисобланувчи металлари, қанчадан-қанча маблағ сарфлаб сотиб олинган машина-ускуналардан ноўрин фойдаланиш каби хўжасизликка ҳамон тўла-тўкис барҳам берилмаган. Бунга Қўқондаги «Большевик» заводининг фаолияти мисол бўла олади. Бу ерда металлни ноўрин сарфлашга йўл қўйилмоқда. Баъзи коллективларда фонд ҳисобидаги металлардан бошқа мақсадда фойдаланиляпти. Бундай корхоналар ва ташкилотларда маҳсулот тайёрлашга ажратилган металлардан гаражлар, дарвозалар, панжаралар қуришгача йўл очиб қўйилганлигини нима деб баҳолаш мумкин!!

Қатор корхоналарда электр энергиядан самарали фойдаланишга бефарқ қараляпти. Энергия сарфлашни назорат қилиш хизмати ходимлари бундай масалалар билан жиддий шуғулланишлари, электр ва иссиқлик энергияси сарфлашдаги камчиликларнинг сабабини аниқлашлари зарур. Корхоналарнинг етакчи мутахассислари ва технологлари материал ресурсларини сарфлаш нормаларини вақти-вақти билан кўриб чиқишлари, металл ва бошқа ресурсларни сарфлашнинг тежамли усулларини кенг жорий этиш юзасидан тадбирлар белгилашлари, бу тадбирларнинг жорий этилишини қатъий назорат остига олишлари керак. Технологиядаги камчиликлар, электр ўтказиш тармоқларининг носозлигини бартараф этишнинг иқтисодий самаралари беқиёсдир. Республикамизнинг ўзида технологияни такомиллаштириш ва электр ўтказиш тармоқларидаги нуқсонларни бартараф қилиш ҳисобигагина йилига 20 миллион киловатт-соат электр энергия иқтисод қилиниши мумкин.

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини ишлаб чиқаришда юксак натижалар билан кутиб олиш учун ғайрат-шижоат билан меҳнат қилаётган индустриямиз ходимлари, бинокорлар, монтажчилар, транспорт тармоқларининг аъзоларидаги моддий бойликлар ишлаб чиқаришни тобора кўпайтириш, самарадорлик ҳамда сифат учун кураш ҳаракатини кенгайтириш билан тежамкорлик ва иқтисод қилиш фондига ҳам ўз муносиб ҳиссаларини қўшишларига шак-шубҳа йўқ.

Ўзаро текшириш давом этмоқда

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

◆ Қардош Озарбайжон, Тожикистон, Туркманистон республикаларининг ўзаро текшириш бригадалари Қорақалпоғистон АССР, барча областларимизда ғўза парвариши, чорва қишловига тайёргарлик ишлари билан танишмоқдалар, маҳсулотлар тайёрлаш планларининг бажарилишини кўздан кечирмоқдалар. Ҳамма жойда уларнинг қимматли маслаҳатларига амал қилиб, пахтадан рекорд ҳосил етиштиришга эришайлик, маҳсулотлар тайёрлаш планлари ва мажбуриятларни ортиғи билан бажарайлик!

◆ Мусобақадошларимиз айрим хўжаликларда культивация сифатсиз ўтказилаётгани, сувдан самарали фойдаланилмаётгани, исрофгарчиликка йўл қўйилаётгани, ишга яроқли кишиларнинг бир қисми дала ва ферма ишларида тўла қатнашмаётгани, хашаротларга қарши қаттиқ кураш олиб борилмаётгани каби жиддий камчиликларни аниқлаб, ошкора танқид қилмоқдалар. Уларнинг танқидий фикрларидан тегишли хулоса чиқариб, йўл қўйилган камчиликларни зудлик билан бартараф этайлик!

◆ Ғўза парваришини дақиқа сайин кучайтирайлик, ҳосилга ҳосил қўшайлик, ҳосил нишоналарини тўла сақлаб қолайлик, тўкилишига йўл қўймайлик, кўсакларнинг тезроқ пишиб очилиши учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўрайлик! Бирорта чопиқ трактори бекор туриб қолмасин, бир литр сув исроф бўлмасин. Августни чинакам ҳосилга ҳосил қўшиш ойига айлантирайлик!

◆ Машина теримига пухта ҳозирлик кўриш, «зангори кема»лар, тележкалар, транспорт воситаларининг ҳаммасини теримга тез, соз ва мукаммал тайёрлаш механизаторларимизнинг шарафли бурчидир. Хўжаликларнинг раҳбарлари барча пахтакорларнинг унумли ишлашлари учун ҳамма шароитларни яратиб беришга даъват этилганлар.

◆ ҲАММА ҒЎЗА ПАРВАРИШИГА!

БИРИ-БИРИГА УСТОЗ

Республикамизга келган Озарбайжон ССР «Госкомсельхозтехника» бирлашмаси раисининг ўринбосари А. Самойлов, Саатли районидаги «Москва» колхозининг раиси А. Алиев ва Салли районидаги 1-совхознинг бригада бошлиғи С. Зейналов ўртоқлардан иборат ўзаро текшириш бригадаси аъзоларини Янгийўл районидаги деҳқонлари қучоқ очиб кутиб олдилар. Жумладан, меҳмонлар «Ленинизм» колхозида ҳам бўлишди. Улар колхоз посёлкасини, колхоз «Меҳнат шуҳрати» музейини, «Баҳт» уйини кўришди.

Озарбайжонлик дўстлар хўжаликнинг ўртоқ Хатам Султонов бошлиқ бригадаси далаларини кўздан кечирдилар. Бригада пахтакорлари бу йил 120 гектар ерга «АН-402» навли ғўза уруғини экишганди. Ҳозир ҳар туп ғўзада 9—10 тадан бўлиқ кўсак бор. Чеканка ўз вақтида тугалланди. Ғўзаларнинг ҳосил тўплаши чакки эмас.

Меҳмонлардан С. Зейналов суҳбат чоғида бригада бошлиғидан сураги:

— Мажбуриятларингиз неча центнердан?

— 40 дан,— жавоб берди Х. Султонов.

— Бригадаларимизнинг энг экин майдони деярли баравар экан, — деди С. Зейналов. — Биз 100 гектар ерда пахта етиштирямиз. Ҳозир ҳар туп ғўзада ўртача 11—12 тадан кўсак бор. Ишчиларимиз КПСС XXVI съезди шарафига ҳар гектар ердан 45 центнердан хирмон кўтариш учун курашмоқдалар. Келинг, ана шу юксак марра учун баравар курашайлик. Мен сизни мусобақага чақираман.

Иккала бригада бошлиғи даланинг ўзида мусобақа боғлашди.

Гапга Саатли районидаги «Москва» колхози раиси ўртоқ А. Алиев аралашди:

— Йиғим-теримгача ҳали вақт бор. Ғўзанинг кўриниши сув талаб қиляпти. Кечиктирилмасдан суғорилса, ҳосилнинг етилиши янада тезлашади.

Шундан сўнг меҳмонлар ҳосил йиғим-теримига тайёргарликнинг борыши билан қизиқишди ва қолган даврда парваришни бўшаштирмаган ҳолда теримга тайёргарликни тезлатиш зарурлигини, хирмонлар, йўл ва кўпирларни, терим техникасини барвақт тахт қилиб қўйиш зарурлигини таъкидлашди.

Меҳмонлар Янгийўл районидаги Ленин номли колхозда ҳам бўлишди. Колхознинг эллик центнерчи бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор А. Йўлдошев озарбайжонлик дўстларга бригада деҳқонларининг мўл ҳосил етиштириш йўлида олиб бораётган ишлари тўғрисида сўзлаб берди. Бу ерда шу кунларда 62 гектар майдондаги ғўза ёппасига ҳосилга кирган.

Озарбайжонлик дўстлар Ленин номли колхознинг бошқа бригадалари ҳамда сут-товар фермасида ҳам бўлишди.

Мусобақадошлар кўпгина звено, бригада ва участкаларда амалга оширилаётган ибратли ишлар билан бир қаторда ғўза парваришида йўл қўйилаётган камчиликларни ҳам кўрсатиб тўшиди ва уларни бартараф этиш юзасидан қимматли маслаҳатлар беришди.

З. ҚУРТНЕЗИРОВ.

Суратда: қардош Озарбайжондан ташриф буюрган ўзаро текшириш бригадаси аъзолари Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз далаларида.

А. Абалян фотоси.

ТУРКМАН ПАХТАКОРЛАРИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА

НУКУС. (**«Совет Ўзбекистони» мухбиридан телефон орқали**). Қардош туркманистонлик пахта усталаридан бир группаси Қорақалпоғистонга келишди. Ўзаро текшириш бригадасига касаба союзлари Тошовуз область Совети раиси Ўртоқ Я. Бердиев бошчилик қилмоқда.

Туркманистонлик деҳқонлардан иборат бригада аъзолари уч группага бўлиниб, автоном республиканинг районларига жўнаб кетишди. Улар бу ерларда ғўза парваришида олиб борилаётган шу кунги ишлар билан танишмоқдалар, юксак хирмон яратиш йўлида қорақалпоғистонлик деҳқонларга қимматли маслаҳатлар бермоқдалар.

ФАРҒОНА ДАЛАЛАРИДА

ФАРҒОНА. (**«Совет Ўзбекистони» мухбиридан телефон орқали**). Тожикистон ССРнинг Ленинобод области билан Фарғона области пахтакорларининг анъанага айланган мусобақалари кўп йилдан буён муваффақиятли равишда давом этиб келмоқда. Қардош республика пахтакорларининг вакиллари социалистик мусобақа шартларининг бажарилишини кўздан кечирмоқ учун Фарғона областига келишди.

Ленинобод область қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи ўртоқ Фозилов бошлиқ мусобақадошлар биринчи куни областининг Киров, Фрунзе, Бувайда ҳамда Охунбобоев районлари колхоз ва совхозларида бўлишиб, ғўза парваришининг борыши, ҳосилга ҳосил қўшиш ойлиги жараёнидаги кенг кўламдаги ишлар билан атрофлича танишдилар.

Мукофотлар топширилди

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида 7 август куни мукофотлар топширилди.

Тошкент шаҳрида яшовчи ҳамда ўн ва ундан ортиқ бола туғиб, тарбиялаган бир гуруҳ оналарга «Қаҳрамон она» ордени билан ССР Олий Совети Президиумининг ёрлиқлари топширилди. Бир қанча кекса ходимлар «Меҳнат ветерани» медалига сазовор бўлдилар.

Саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, қурилиш, алоқа илғорларига, фан ва маданият арбобларига Ўзбекистон ССРнинг фахрий унвонлари берилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар ва тегишли кўкрак нишонлари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Б. Усмонхўжаев мукофотланганларни самимий табриклаб, уларга сиҳат-саломатлик, меҳнатда янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

(ЎзТАГ).

Ч. Р. РАО ТОШКЕНТДА

Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Ҳиндистон Коммунистик партияси Миллий Кенгашининг Бош секретари Чандра Ражешвара Рао 6 август куни Москвадан Тошкентга келди.

Тошкент аэропортида Чандра Ражешвара Раони Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари И. Г. Анисимкин, О. У. Салимов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири Х. Р. Раҳимов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида суҳбат

Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Ҳиндистон Коммунистик партияси Миллий Кенгашининг Бош секретари Чандра Ражешвара Рао 7 август куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилинди. Бўлиб ўтган дўстона суҳбат вақтида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари И. Г. Анисимкин ва О. У. Салимов меҳмонга ўлкада Совет ҳокимиятининг барпо этилиши тўғрисида, Ўзбекистон экономикаси ва маданиятини ривожлантиришдаги муваффақиятлар ҳақида, республика меҳнаткашларининг беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун олиб бораётган кураши тўғрисида сўзлаб бердилар.

Суҳбатда Ч. Р. Раонинг мамлакат бўйлаб сафарида унга ҳамроҳлик қилаётган КПСС Марказий Комитети Халқаро бўлимининг масъул ходими Б. И. Клюев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири Х. Р. Раҳимов иштирок этдилар.

* * *

Ч. Ражешвара Рао шу куни В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалини бориб кўрди. У Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг экспозицияларини, Тошкентнинг янги қурилишлари ва диққатга сазовор жойларини ҳам кўздан кечирди.

(ЎзТАГ).

МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети давлатга мева, сабзавот маҳсулотлари сотиш юзасидан областлар, районлар, колхозлар ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1980 йил 1 августгача бўлган якунини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга қолдирилди:

Фарғона области (область партия комитети секретари Ўртоқ Умаров, область ижроия комитети раиси Ўртоқ Рустамов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Ўртоқ Ким, ишлаб чиқариш-аграр бирлашмаси бош директори Ўртоқ Назаров, область қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш давлат бош инспектори Ўртоқ Тўйчиев, область матлубот союзи правлениеси раиси Ўртоқ Ҳамзаев). Бу область давлатга ҳар хил сабзавот сотиш планини 56,7 процент, картошка сотиш планини — 3,9, полиз маҳсулотлари сотиш планини — 20,1, ҳўл мева сотиш планини 74,7, узум сотиш планини 3,3 процент бажаргани, июль ойида йиллик планга нисбатан сабзавотнинг 29,4 процент, картошканинг 3,9, полиз маҳсулотларининг — 20,1, ҳўл меванинг — 51,6, узумнинг — 3,3 процент кўпайишини таъминлаган;

Тошкент областидаги **яхтисослаштирилган Калинин** районы (район партия комитети секретари ўртоқ Қамбаров, район ижроия комитети раиси Ўртоқ Аҳмедов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Ўртоқ Ҳайдаров, район қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш ва сифатини белгилаш давлат бош инспектори Ўртоқ Халилов, район матлубот союзи правлениеси раиси Ўртоқ Кудряшов). Бу район давлатга ҳар хил сабзавот сотиш планини 64,5 процент, картошка сотиш планини — 100,3 процент, ҳўл мева сотиш планини — 100,1 процент бажарган, июль ойида йиллик планга нисбатан сабзавотнинг 21 процент, картошканинг — 76, ҳўл меванинг — 49,9 процент кўпайишини таъминлаган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Қашқадарё области (область партия комитети секретари Ўртоқ Ғойибов, область ижроия комитети раиси Ўртоқ Элбоев, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Ўртоқ Асроров, ишлаб чиқариш аграр бирлашмаси бош директори Ўртоқ Бердиев, область қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш ва сифатини белгилаш давлат бош инспектори Ўртоқ Ҳақбердиев, область матлубот союзи правлениеси раиси Ўртоқ Омонов). Бу область давлатга ҳар хил сабзавот сотиш планини 34,2 процент, картошка сотиш планини — 98, полиз маҳсулотлари сотиш планини — 33,2, ҳўл мева сотиш планини — 90,7 процент бажарган, июль ойида йиллик планга нисбатан сабзавотнинг 24,7 процент, картошканинг — 12,7, полиз маҳсулотларининг — 33,2, ҳўл меванинг — 60,3 процент кўпайишини таъминлаган. Байроқ Сурхондарё областидан олиб берилади;

Бухоро областининг **«Шофиркон районы** (район партия комитети секретари Ўртоқ Жўраев, район ижроия комитети раиси Ўртоқ Мажидов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Ўртоқ Мўминов, район қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш ва сифатини белгилаш давлат бош инспектори Ўртоқ Саидов, райо

(Давоми иккинчи бетда).

КОРХОНА ҚУВВАТИ ОШДИ

Жиззах бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинати «Прокат-деталь» заводи биринчи навбати муддатидан илгари реконструкция қилинди. Бу ерда монтаж қилинган янги технологик линия корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини уч баравар оширди. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот тури ҳам кўпайтирилди.

Янги линия бир йилда 67 минг квадрат метрдан зиёд уйжой тайёрлаб чиқаради.

(ЎзТАГ).

Мусобақа илғорларига Қизил байроқлар

(Бошы биринчи бетда).

матлубот союзи правленеси раиси ўртоқ Ҳакимов). Бу район давлатга ҳар хил сабзавот сотиш планини 102,8 процент, полиз маҳсулотлари сотиш планини — 4,1, ҳўл мева сотиш планини 107 процент бажарган, июль ойида йиллик планга нисбатан сабзавотнинг 71,4 процент, полиз маҳсулотларининг 4,1 процент, ҳўл меванинг 97 процент кўпайишини таъминлаган. Байроқ Бухоро областининг Ромитан районидан олиб берилади:

Хоразм областининг **Хива районы** (район партия комитети секретари ўртоқ Маткаримов, район ижроия комитети раиси ўртоқ Абдуллаев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи ўртоқ Бобожонов, район қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш ва сифатини белгилаш давлат бош инспектори ўртоқ Хўжаева, район матлубот союзи правленеси раиси ўртоқ Юсупов). Бу район давлатга ҳар хил сабзавот сотиш планини 85,5 процент, полиз маҳсулотлари сотиш планини — 14, ҳўл мева сотиш планини — 104 процент бажарган, июль ойида сабзавотнинг 71,9 процент, полиз маҳсулотларининг 14 процент, ҳўл меванинг 30 процент кўпайишини таъминлаган. Байроқ Хоразм областининг Янгиариқ районидан олиб берилади:

Андижон ишлаб чиқариш аграр бирлашмасининг Энгельс номли ихтисослаштирилган совхози (ишлаб чиқариш аграр бирлашмаси бош директори ўртоқ Мирзаахмедов, совхоз директори ўртоқ Паттаев, партия ташкилоти секретари ўртоқ Садиров, ишчилар комитети раиси ўртоқ Қосимов). Бу совхоз давлатга ҳар хил сабзавот сотиш планини 63,3 процент, ҳўл мева сотиш планини 112,8 процент бажарган, июль ойида йиллик планга нисбатан сабзавотнинг 46,4 процент, ҳўл меванинг 41,4 процент кўпайишини таъминлаган. Байроқ «Ташобласдвинсовхозтре с тага қарашли «Партия XXI съезди» совхозидан олиб берилади:

Наманган ишлаб чиқариш-аграр бирлашмасига қарашли «Бухоро» ихтисослаштирилган совхози (ишлаб чиқариш-аграр бирлашмаси бош директори ўртоқ Рафиганиев, совхоз директори ўртоқ Охунова, партия ташкилоти секретари ўртоқ Обилов, ишчилар комитети раиси ўртоқ Собитжонов). Бу совхоз давлатга ҳар хил сабзавот сотиш планини 100,5 процент, картошка сотиш планини — 48,3, ҳўл мева сотиш планини — 40,5 процент бажарган, июль ойида йиллик планга нисбатан сабзавотнинг 56,5 процент, картошканинг 48,3, ҳўл меванинг 29,5 процент кўпайишини таъминлаган. Байроқ Қашқадарё ишлаб чиқариш-аграр бирлашмасига қарашли «Қарши» совхозидан олиб берилади:

Сурхондарё область **Гагарин районидаги «Янгиобод» совхози** (совхоз директори ўртоқ Эсонов, партия ташкилоти секретари ўртоқ Худойқулов ишчилар комитети раиси ўртоқ Чорнев). Бу совхоз давлатга ҳар хил сабзавот сотиш планини 46 процент, ҳўл мева сотиш планини 113,8 процент бажарган, июль ойида йиллик планга нисбатан сабзавотнинг 46 процент, ҳўл меванинг 63 процент кўпайишини таъминлаган. Байроқ Қашқадарё область Косон районидаги Акмал Икромов номли совхозидан олиб берилади:

Қорақалпоғистон АССР **Тўрткўл районидаги Энгельс номли колхоз** (колхоз правленеси раиси ўртоқ Беглиев, партия ташкилоти секретари ўртоқ Ғойибов). Бу колхоз давлатга ҳар хил сабзавот сотиш планини 60 процент, полиз маҳсулотлари сотиш планини — 21, ҳўл мева сотиш планини 100 процент бажарган, июль ойида йиллик планга нисбатан сабзавотнинг 46,8 процент, полиз маҳсулотларининг 21 процент, ҳўл меванинг 87 процент кўпайишини таъминлаган. Байроқ Тошкент область Тошкент районидаги Навоий номли колхозидан олиб берилади:

Жиззах область **Жиззах районидаги «Москва» колхози** (колхоз правленеси раиси ўртоқ Эргашев, партия ташкилоти секретари ўртоқ Нуриддинов). Бу колхоз давлатга ҳар хил сабзавот сотиш планини 206 процент, ҳўл мева сотиш планини 107,2 процент бажарган, июль ойида йиллик планга нисбатан сабзавотнинг 143,8 процент, ҳўл меванинг 52,7 процент кўпайишини таъминлаган. Байроқ Андижон область Марҳамат районидаги «Октябрь 50 йиллиги» колхозидан олиб берилади.

ҚАЛБГА ЯҚИН ТУТИБ

ИЖОДКОР ВА ДАВР

СОВЕТ АДАБИЁТИ дунёга яхши ният ва ҳавас билан боқади. Ўзи майдонга келган дастлабки йиллардаёқ у империализм ва мустамлакачилик исканжаси остида бўлган халқлар тўғрисида чуқур ҳурмат ва ҳамдардлик сўзларини айтган эди. Совет адабиёти тарихида ўчмас из қолдирган турли йиллардаги асарлардан баъзи бирларингина: Н. Тихоновнинг «Ўзимиз» ва «Олти устун», Е. Чаренцнинг «Ленин ва Али», М. Светловнинг «Граната», Б. Корниловнинг «Менинг Африкам» каби асарларини хотирамизда тиклаймиз.

Кўп миллатли совет адабиётида интернационализм, фаол инсонпарварлик туйғулари кенг кўлам ва эмоционал тўлақонлилик, конкрет ифодалилик касб этган ҳолда ўсиб мустаҳкамланди. Яхшилик билан ёмонлик, гаракқиёт билан реакция, тинчликсеварлик билан милитаризм, озодлик билан инсонга қарши ирқчилик кучларининг қарама-қаршилиги ҳали тугатилмаган. Ғоялар, дунёқарашлар, бир-бирига қарама-қарши нуқтаи назарлар қураши, инсон мавжудлигининг моҳияти, кишилар қайси идеаллар йўлида яшашга ва курашга даъват этилган, улар нималарни карор топтиришлари ва нималарни инкор қилишлари масаласига ёндашишлар ўртасидаги кураш давом этмоқда. Халқларнинг интернационал қардошлиги юксак туйғулари Н. Тихонов, М. Турсунзода, Р. Ризо, М. Бажан, Е. Буков, Э. Межелайтис, Р. Гамзатов, Д. Кугултинов, Г. Абашидзе, Ж. Мўлдағалиев, Зулфия, Г. Эминнинг проза ва шеърий асарларида акс этганди. Бу рўйхатни осонгина давом эттириш мумкин. Дунё тақдирига, инсоннят тақдирига бефарқ қарайдиган бирорта ҳам совет ёзувчиси йўқ. Совет адабиёти эзилган ва озодликка чиққан халқларнинг ҳамиша дўсти бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Унинг инсонпарварлиги таъсирчан бўлиб, у борлигимизнинг бутун ҳаётий илдизларидан, кишилар ўртасида социалистик жамиятда қарор топган ўзаро муносабатларнинг бутун системасидан ўсиб чиққандир.

Совет адабиётида, бошқа халқлар ҳаёти ва анъаналарининг тасвирлашишини танқидчиликда кенг тарқалган «материал» тушунчаси билан изоҳлаш ҳақиқатга тўғри келмайди. Бу материал эмас, балки хусусий ўй-ларнинг, истакларнинг ва хайрихоҳликларнинг қалбдан чиққан моҳиятидир. Китобхон эътиборини ана шундай қолипдаги иккита асарга жалб қилишни истардим. Яқинда Шароф Рашидовнинг «Кашмир қўшиғи» қайта ишланган ҳолида нашрдан чиқди. «Советский писатель» нашриёти Алим Кешоковнинг «Янги ой»ини нашр этди. Бу асарлар ўз поэтикаси ва ҳаётни сўз билан ифодалаш хусусиятларига кўра бир-бирига ўхшамайдиган асарлардир. Бироқ уларни социалистик интернационализм ва инсонпарварлик туйғулари, маънавий позициянинг юксаклиги бирлаштириб турибди. «Кашмир қўшиғи»га сўнгги сўзида Ш. Рашидов кашмирлик ва ҳинд дўстларга миннатдорчилик изҳор этиб, улар билан бўлган учрашувлар хотирада ҳамиша сақланиб қолади, деган фикрни билдиради. Асарнинг ёзилиши учун ҳам ана шулар, ана шу учрашувлар туртки бўлган эди. У қадимги Кашмир афсонасидаги икки куч: вайронгарчилик, шафқатсизлик, ўлим, чиркинлик кучлари билан ҳаёт, яхшилик, қувонч, муҳаббат кучлари ўртасидаги тўқнашув асосига қурилгандир. Шиддатли драматизм, ҳолатларнинг шартлилиги, киноя-ли ифодалар «Кашмир қўшиғи»га хос белгилардир. У эҳтиёткорлик ва ўта талабчанлик билан йўғрилган нафис бўёқларда битилган. Борди-ю, ўша бўёқлар салгина қуюқлаштирилиб, ҳикоячининг овози салгина бўлсада кўтариб юборилса борми, афсона ўзининг романтик нафосатини йўқотиб қўйган бўларди.

Афсона қаҳрамонлари мисли кўрилмаган қийинчиликлар ва синовларга бардош бериб, ўз муҳаббатларининг кудрати, мардлиги ва бўйсўнмаслиги билан душманни чекинишга мажбур қиладилар. Ш. Рашидов аваллаб қайта тиклаган қадимий афсонада халқнинг орзу-истаклари, унинг яхшилик, нур, қоронғулик, ёвузлик, жабр-зулм устидан ғалаба қозонишига умиди ўз аксини топгандир.

Алим Кешоковнинг «Янги ой»и бадиий ҳикоянинг романтик типига яқинроқ бўлса-да, бу асар «Кашмир қўшиғи»га нисбатан бошқача бадиий оҳангга эгадир. Асар афоризтик жиҳатдан қамровли, қизиқарли луқмалар билан бойитилган Шарқ новеллаларининг шодасини эслатади. Автор ўзига хос сюжет прологи ва вазифасини бажарувчи луқмаларда китобхонга бу бобда нималар ҳақида ҳикоя қилиб беришини олдиндан айтиб беради. Бундай структура муайян даражада машҳур «Минг бир кеча» эртакларини эслатади. Бироқ А. Кешоков романида новеллалар мустақил бадиий бирлик касб этмаган. Улар бир-бирлари билан жуда аниқ сюжет ришталари орқали бирлашган бўлиб, диққатни тортадиган конфликтли иплар ва сюжет чорраҳалари мавжуд бўлган яхлит, қизиқарли ҳикояни ташкил этади. «Кашмир қўшиғи»да бошқа халқнинг эстетик дунёсига оҳиста, аваллаб кириб бориш, авторнинг қадимги оғзаки бадиий ижодининг миллий ўзига хослигини сақлаб қолиш истаги диққатни тортади. А. Кешоковнинг «Янги ой»ида бошқа нарса қизиқтиради: ҳозирги Араб Шарқининг ҳаётини мукаммал даражада аниқ билиш, агар шундай деб айтиш жоиз бўлса, беш қўлдай чуқур зийраклик билан билиш диққатга моликдир. Автор воқеа юз бераётган мамлакат ҳаётининг мураккаб қарама-қаршиликлари манзарасини яратади. Турли хил социал кучлар, ҳаёт моҳияти ва мақсади, ўз мамлакатининг тараққиёт йўллари тўғрисидаги турли хил тасаввурлар бу ерда энди афсонада эмас, аксинча воқеликда бир-бири билан тўқнашади.

Араб шарқининг романда тасвирланган ёш авлоди вакиллари Шавкат, Фарида, Фуад қандай афзалликларга эга? Улар дунёга идрок билан, нотўғри тушунчаларга берилмасдан, таассуфларсиз қарашади. Мамлакатда жуда оғир қийинчиликлар билан вужудга келаётган барча янги, прогрессив, истиқболли нарсаларнинг ҳаммаси улар куч-ғайратининг, орзу-умидларининг, фаолиятининг самарасидир. Лекин ҳаёт биргина олдиндан белгиланган йўлдан бормайди. Ҳамма ҳам юз бераётган ўзгаришларнинг моҳиятини тушуниб етавермайди, янгиланиш жараёнини маъқуллаб кутиб олавермайди. Ўқитувчи Шавкат — шоир, эътиборли одам. У мамлакатда халқнинг келажаги яхши бўлиши учун курашаётган ҳамма одамларни партизанлар, хавфли унсурлар, деб атаётганликлари ҳақида ҳасрат қилади. Халқ тараққиёт учун йўлни ўзи танлаб олмоғи, ўз ақли билан, ўз меҳнати билан яшамоғи лозим. Шавкат шундай деб ўйлайди, ўз Ватанини севадиган, унинг бахт-саодатли бўлишини, муваффақиятга эришишини истайдиган кишилар ҳам шундай, деб ўйлайдилар. Бу ерда гап Шавкатнинг Прагада ўқиганлигида ҳам, Фуаднинг эса Болгарияга ўқишга кетганлигида ҳам эмас. Шавкат ҳам, Фуад ҳам, Фарида ҳам коммунистлар ёки социалистлар эмас. Улар шунчаки бир софдил, ор-номусли одамлар, ким душману ким дўст эканлигини яхши ажрата биладиган ватанпарварлардир. Шу боисдан ҳам улар социализм сочиб турган беғубор нур томон интиладилар.

Романда агрессорнинг йиртқичларча ҳужуми натижасида уй-жойидан ажралган фаластинлик гўзал қиз Фарида образи жуда катта саммий ҳайрихоҳлик билан чизиб берилган. Ёш ишчи Фуад Фаластиннинг озодлиги учун жон фидо қилиб, курашиш тўғрисида Фаридага қасамёд қилади. Агар араблар жипслашганларида Фаластин аллақачон озод бўлган бўлар эди. Фақат оксан ортидаги пулдорларгина арабларни жипслашишга қўймаяпти, улар орасида низолар чиқаряпти, уларни бир-бирининг қонини тўкишга гиж-гижлаяпти, деб ўйлайди Фуад. Бироқ ҳаёт-нинг ўз қонунлари бор. Ҳақиқатни, адолатни, яхшиликни ёвуз ниятли бўҳтон ва тухматлар билан яксон қилиб бўлмайди. Ҳаётнинг тўхтовсиз оқими, албатта, юзага чиқади, ўзига кенг йўл очиб олади. Ой чиқади ва қоронғуликни нурафшон қилади, қора булутларни ҳам тарқатиб юборади.

Роман шундай бир мажозий манзара билан якунланди: «Жануб оқшомининг тим қоронғулигида ой чарчаб келаётган карвонга йўл кўрсатади. Шунда ёвуз булутлар орасидан сайёҳлар учун умид юлдузи чарақлаб кўринади. Мен бу карвонни ва орзиқиб кутилган манзилга етиш учун аҳду паймонга тўлиб-тошган сайёҳларни бир неча бор кўрганман. Мен уларнинг кўлларини қисиб хайрлашар эканман, шундай деб эслатардим:

— Фақат йўл манзилни қисқартиради».

«Янги ой» романи жиддий равишда изланиш қобилиятига эга бўлган, тадқиқ қилинмаган нарсаларни тадқиқ қилишни, унгача кашф қилинмаган нарсаларни кашф қилишни яхши кўрадиган истеъдодли прозаик ва шоир Алим Кешоковнинг ютуғидир. «Янги ой» Араб Шарқи халқларини тўлқинлантираётган социал, тарихий ва инсоний проблемаларни ҳал этиш истаги билан тугилгандир. Совет ёзувчиси уларнинг ташвиш ва умидларини, ҳоҳиш ва интилишларини қалбига яқин тутади.

Георгий ЛОМИДЗЕ.

(«Правда», 1980 йил 6 август).



Тошкент тепловоз депосининг механика устахонасига сўнгги йилларда жуда кўплаб ёшлар ишга келди. Улар қисқа вақт ичида ўз касбларини пухта ўзлаштириб, меҳнатда яхши натижаларга эришмоқдалар. Орифжон Султонов ана шундай ёшларнинг бири. Электр машиналарини ремонт қилиш бўйича моҳир слесарь О. Султонов шу кунларда якунловчи йилнинг сўнгги ойлари ҳисобига меҳнат қилмоқда. Суратда: мусобақа пешқадами О. Султонов.

В. Сироткин фотоси.

КАСАБА СОЮЗ ҲАЁТИ

«МИНГЛАР ШАРТНОМАСИ» АМАЛДА

Тошкент ва Иваново тўқимачилари қардошлик алоқаларининг кўп йиллик тажрибасига эгадирлар. «Минглар шартномаси» ана шу мусобақадошлар ташаббуси билан бошланиб, эндиликда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишнинг оммавий ҳаракатига айланиб кетди. Ивановоликлар эндиликда оқибатларини тугатиш даврида Тошкент тўқимачиларига кўрсатган қардошларча ёрдамни бу ерда ҳалиҳали миннатдорчилик туйғулари билан эслашади.

Лекин тошкентликлар ҳам қардошлардан қарздор бўлиб қолганлари йўқ. Пойтахт ва пойтахт области вакилларининг кучи билан Ивановода темир-бетон конструкциялари ишлаб чиқарувчи йирик завод барпо этилди. Эндиликда бу корхона Кострома, Владимир, Ярославль областлари бинокорлари учун ҳам кўплаб конструкциялар етказиб бермоқда. Ҳозирги пайтда Иваново ва Тошкент областларининг 120 дан зиёд корхона ва ташкилотлари ўзаро «Минглар шартномаси» билан боғланган. Шу кунларда Ивановонинг «Оқ елкан» бадиий ҳаваскорлик коллективи тошкентликларга ўз санъатини намойиш қилмоқда. В. И. Ленин номидаги электрон-техника заводи бадиий ҳаваскорлик коллективи эса яқин фурсатда Ивановога йўл олади.

КОНВЕРТЛАРНИ ОЧГАНДА

ХАЛҚ КУТУБХОНАЧИСИ

Балиқчи қишлоғининг марказида Акрамжон ака Султоновнинг ўнчалик катта бўлмаган, лекин атрофига анвойи гуллар экилган ҳовлиси кўплар учун қадрдон бўлиб қолган. Бунинг боиси бор, албатта.

Мана бир неча йилдирки, Акрамжон аканинг шахсий кутубхонаси китобхонлар хизматида. Нурхонадан фойдаланувчилар сони кун сайин кўпайиб бормоқда. Кечқурунлари бу жой қишлоқнинг мўйсафидлари билан гавжум бўлади. Акрамжон ака уларга турли халқ достонларини ўқиб беради.

Халқ кутубхоначиси адресига келаётган хатларнинг кети узилмайди. Асроржон Нурбоев ўз хатида асли бухоролик экани, Совет Армияси сафида йигитлик бурчини ўтаб, Молдавияда яшаб қолгани хусусида ёзибди. У Акрамжон акадан халқ достонлари китобларидан юборишни илтимос қилибди. Халқ кутубхоначиси унга саккиз номдаги достонлар китобини юборди.

— Ўз номимга келган ҳар бир хатни зўр қувонч билан ўқийман, — дейди Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, кекса педагог А. Султонов. — Хат муаллифлари менган бирор китоб юборишимни сўрашса бу илтимосни қондиришга ҳаракат қиламан. Мамлакатимизнинг турли шаҳар-қишлоқларида яшовчи кишилардан, Совет Армияси сафида хизмат қилаётган жангчилардан 300 га яқин мактуб олдим. Уларнинг ҳаммасига жавоб ёзиб, илтимос қилган нарсаларини жўнатдим.

Чиндан ҳам шундай. Саҳий қалб эгаси А. Султонов ўз меҳнати билан кишиларни мамнун этяпти. Ҳозир унинг шахсий кутубхонасида тўрт мингдан зиёд турли адабиётлар бор. Халқ кутубхоначисининг орзуси китоблар ва китобхонлар сонини янада ошириб, одамларга нур улашишдир.

А. ВАҲОБОВ.
Балиқчи районы.

ИШЧИ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

ЗАРБДОР МЕҲНАТ

«Наманганирстрой» трестига қарашли Задарё механизациялашган кўчма колонна коллективи беш йиллик планни бажарди. Ўтган даврнинг 932 минг сўмлик ирригация-мелиорация ишлари амалга оширилди. Жумладан, 613 гектар янги ер ўзлаштирилди, 6 минг 494 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. 2 минг 686 гектар экин майдонининг сув таъминоти яхшиланиб 20 километрдан ортиқроқ сув йўлларига темир-бетон нов ариқлар ётқизилди.

Коллектив айни кунларда 1981 йилнинг ноябрь ойи ҳисобига иш бошлади. М. Қўқибоев, В. Рижков, Ю. Мавлонов, В. Гайдукович, У. Бурхонов, С. Ҳамзаев каби экскаваторчи, бульдозерчи ва скрейперчилар эса 1982 йил меҳнат календарини очдилар.

Т. РАҲИМОВ.

ЙЎЛСОЗЛАР ҒАЙРАТИ

Яккабоғ районидаги 22-йўл қурилиши бошқармасининг Алимардон Самадов бошлиқ участкаси коллективи якунловчи йил социалистик мусобақасида пешқадамлик қилмоқда. Йўлсозлар йилнинг ўтган ойлари мобайнида 345 минг ўрнига 360 минг сўмлик бунёдкорлик ишларини амалга оширдилар.

Эришилган бу ютуқда Гулмиддин Бағавиддинов, Тошкентбой Норбоев, Бозор Йўлдошев, Тўра Раҳимов, Очил Низомов, Омон Тўраев сингари ўнлаб йўлсозларнинг ҳиссаси катта.

Йўлсозлар йил охирига қадар пландаги 680 минг ўрнига 700 минг сўмлик йўл қурилиши ишлари бажаришга ва йиллик топшириқни 7 ноябрга қадар адо этишга аҳд қилганлар.

Б. ЭЛМУРОДОВ,

ТАЖРИБА ЎРГАНИЛМОҚДА

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Полоцкий авторемонт заводида (Белоруссия ССР-нинг Витебск области) чорвачилик комплекслари ишлаш ускуналарини ремонт қилиш ва модернизациялаш бўйича ибратли тажрибалар тўпланди.

«Средазгипроцелинстрой»нинг Тошкент филиали коллективи белорус дўстлари иш тажрибасига қизиқиб қолди. Полоцклик мутахассислар ўз навбатида уларга чорвачиликдан кенг кўлланиладиган иссиқлик генераторларининг модернизация қилинган варианти технологик ҳужжатларини юбордилар.

К. КРУПКО.

ШАҲАР ҲУСНИДАГИ ДОҒ

Жонажон Тошкент шаҳримиз йилдан-йилга кўркамлашиб бораётир. Лекин гўзал шаҳримизнинг ана шу ҳусниига доғ бўлиб тушаётган баъзи жойлар ҳам йўқ эмас. Усмон Юсупов кўчасини олайлик. Шу кўчанинг «Известия» бекати ёнидан ўтган Калковус анҳори атрофида бўлсангиз, кўнглингиз ранжийди.

Маълумки, бундан саккиз йил бурун анҳор бетонлаштирилиб, ҳар икки томонида гўлзорлар барпо этиш учун ерлар ажратилган эди. Бу яхши ниятли режалар негадир амалга ошмай қолди. Ҳозир бу ерлар гўлзор эмас, аҳлатхонага айланган. Шу якин-атроф хонадонларидан келтириб ташланаётган чиқиндилар, синиқ стол-стуллар ва идиш-товоқлар кун сайин кўпайиб бораётир. Анҳор сувн ҳам ифлослантирилмоқда. Октябрь районидаги мутасадди ташкилотлар раҳбарлари бу ачинарли манзарани наҳотки кўришмаса?! Ўйлаймизки, шаҳримиз ҳуснидаги бу доғ тезда тугатилади.

Н. ОМОНОВ.

ТАЖРИБА АЛМАШДИЛАР

Кейинги пайтларда бадиий агитбригадалар фаолиятини янада яхшилаш, репертуарни ғоявий-бадиий етук асарлар билан бойитиш, республиканинг колхоз ва совхозларида бадиий агитбригадалар ишини янада жонлантириш ва ташкил қилишда методик ёрдам кўрсатиш каби ишлар амалга оширилмоқда.

Яқинда Самарқанд шаҳрида ўтказилган бадиий агитбригадалар раҳбарларининг 3 кунлик республика семинар-кенгаши мана шу масалага қаратилди.

Бунда Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги халқ ижоди ва маданий оқартув ишлари республика илмий-методик марказининг директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими У. Исломов «КПСС Марказий Комитетининг қарорларини бажаришда бадиий агитбригаданинг роли ва КПСС Марказий Комитетининг XXVI съездини муносиб кутиб олишда маданият ходимларининг вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

А. Н. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институтининг катта ўқитувчилари И. Раҳимжонов, Б. Назаровлар бадиий агитбригада учун сценарий ёзиш ва унинг режиссураси масалалари мавзусида машғулотлар ўтказишди.

Семинарда бадиий агитбригадаларни ташкил қилиш шартлари, ўнинчи беш йиллиннинг ҳал қилувчи йил планини бажариш учун меҳнаткашларни даъват этишда агитбригаданинг роли, бадиий агитбригадалар раҳбарларига репертуар танлашда методик кўрсатмалар ҳақида фикр юритилди. Шундан кейин бадиий агитбригадалар раҳбарлари ўзаро тажриба алмашдилар.

Т. ЖАББОРОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ТЕРГОВГА ТОПШИРИЛДИ

«Андижон шаҳридаги «Ёшлик», «Турист» магазинларидаги сотувчилар моллар устига қўшимча нарх қўйиб сотишмоқда. Харидорларнинг ҳақидан уриб қолиш қачонгача давом этаркин?» (Андижонлик бир группа газетхонлар хатидан).

АНДИЖОН ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БЎЛИМИ: шаҳар савдо системасида ўтказилган текшириш ишлари қуйидагилар аниқланди:

— «Ёшлик» магазинининг вино-ароқ бўлимида контроль савдо ўтказилди. Сотувчи М. Мамиров тўрт шиша ароқ ва ўн шиша лимонад сотиб олган харидорни икки сўм икки тийинга алдаган.

— 53-магазин сотувчиси Соҳибахон Холмирзаева харидор ҳақидан эллик тийин уриб қолган.

— 27-магазин сотувчиси Насиба Эгамбердиева харидордан 2 сўм 80 тийин ортиқча ҳақ олган.

— 29-озиқ-овқат магазини сотувчиси Нажмиддин Валиев харидорга қирқ бир тийин кам қайтим берган.

—12-гастрономнинг вино бўлими сотувчиси Каромат Шевцова вино-ароқ билан савдо қилиш пайтида харидорни алдамиш тийинга алдаган.

Юқорида кўрсатилган фактлар юзасидан тўпланган материаллар шаҳар ички ишлар бўлимининг тергов бўлимига топширилди.

ҲОВЛИ ТЎЙЛАРИ ИНДУСТРИЯСИ

Мамлакатимизнинг қишлоқ аҳолиси кейинги ўн йилликда умумий сони қариб 330 миллион квадрат метр янги уй-жойларга кўчиб кирди. Бу рақам ҳам, барча иттифоқдош республикаларнинг кўпгина қишлоқларида одатдаги байрам тусига айланган минглаб қувончли ҳовли тўйлари ҳам ўрток Л. И. Брежневнинг партия қишлоқда уй-жой ва маданий-маиший шароитларни тубдан яхшилаш йўлидан оғишмай бораверади, деган сўзларнинг ёрқин далили бўлиб хизмат қилади. Уй-жой проблемасини ҳал қилиш методларига ёндашувнинг ўзи ўзгача тусга кирди. Бу оилаларнинг шахсий ишидан умумдавлат гамхўрлиги даражасига кўтарилди. Бу ғамхўрлик қишлоқ қурилишининг муҳим тармоғи сифатида уй-жой қурилишини ривожлантириш бўйича, шунингдек лойиҳалашни, маблағ билан таъминлаш ишини такомиллаштиришни, қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши бўйича бутун ишларни ташкил этишнинг кенг системасини белгилаб берди.

СССР Қишлоқ қурилиши министрлигини ташкил этиш чоғида унинг тўла йиғма уй-жойлар учун деталлар комплекти ишлаб чиқара бошлаган корхоналарининг жами қуввати 0,5 миллион квадрат метрдан ошмасди. Ҳозир эса бу кўрсаткич 3 миллион квадрат метрга етди. Бундай қувватлар колхозлараро қурилиш ташкилотлари системасида ҳам ўсмоқда. Жумладан, Россия Федерацияси колхозлараро қурилиш бирлашмаси бўйича бу йил фойдаланишга топшириладиган уй-жойларнинг қариб 40 проценти тўла йиғма комплектлардан тикланади. СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг уй-жой қурилиши базаси кенгаймоқда. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Қишлоқда уй-жой қурилиши учун ёғоч-панелли уйлар ва ёғоч деталлар комплектларини заводларда ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарори бу тармоқнинг ҳам қайта қурилишида яна бир босқич бўлди. Биргина СССР Урмон ва ёғочни қайта ишлаш саноати министрлиги бўйича 127 та йирик уйсозлик корхоналари ва цехлари барпо этилмоқда ва реконструкция қилинмоқда. Уларнинг фаолияти ягона мақсадга — ўн йиллик мобайнида қишлоқларимиз учун зарур бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини уч баравар кўпайтиришга қаратилгандир.

Қишлоқ уйсозлигининг мустаҳкам ишлаб чиқариш базасини вужудга келтириш орзудан реал ҳақиқатга айланган бир шароитда мавжуд қувватлардан тўлароқ фойдаланиш ва янги қувватларни жадал ишга туширишнинг муҳим аҳамиятга эгадир. Марказий партия, совет ва хўжалик органлари коллективларнинг шаклланишига етарли эътибор берилаётган, янги ишлаб чиқаришга фаол мутахассислар юборилаётган жойларда уй-жой қурилиши ҳажми йил сайин ошиб, сифати яхшиланиб бормоқда. Саратовдаги уйсозлик ва Ярославскдаги (Приморье ўлкаси) қишлоқ қурилиши комбинатлари коллективларидан, Белоруссия ва Эстония, Мордва АССР, Полтава, Смоленск областларининг бинокорларидан кўп нарсани ўрганиш мумкин. Айни чоғда Горький, Калинин, Вологда, бошқа баъзи областларнинг қатор корхоналарида тикланиш даври жуда чўзилиб кетди, комбинатларнинг қувватига яраша иш бажарилмаяпти.

Баъзи заводларнинг ишга туширишлар муддатлари йилдан-йилга кўчириб келинмоқда. Гоҳида уйсозлик комбинатлари деб дабдабали ном қўйилаётган корхоналар фойдаланишга қисман топширилмоқда. Бу лойиҳада мўлжалланмаган бўлиб, корхоналнинг нормал ишлашига халақит бермоқда. Министрликлар, идоралар ва маҳаллий органларнинг кучларини жамлаб, бундай нуқсонларнинг бартараф этилишини таъминлаш муҳимдир.

Айни пайтда қишлоқда уй-жой қурилиши бўйича план топшириқларига етарли баҳо берилмаётганлигини кескин бартараф этмоқ керак. Коми АССР совхозлари бўйича ярим йил мобайнида уй-жойларни фойдаланишга топшириш давлат плани бўйиҳа 15 процент, Тула области колхозлари бўйича 30,6 процент бажарилган. Афсуски, бу фактлар якка-елғиз эмас. Кейинги икки беш йилликда биргина совхозларнинг ходимлари пландагидан 7,6 миллион квадрат метр кам уй-жойга эга бўлдилар. Бу йил ўтган ярим йил ичида Кострома, Смоленск, Волгоград, Пенза, Чита областлари жуда катта қолоқликка йўл қўйдилар. Айни пайтда кўпгина жойларда — Омск, Новосибирск областларида, Ставрополь ва Краснодар ўлкаларида уй-жой қурилиши планларининг анча ошириб бажарилишига эришилмоқда, бу иш ташаббускорлик билан, ижодий равишда, ҳовли тўйлари сонини кўпайтириш учун ҳуқуқ ва имкониятлардан тўлароқ фойдаланган тарзда олиб борилмоқда. Тажрибакорларнинг намунасини ҳамма учун ўрнак қилиб олмоқ керак.

Ҳар бир колхозда йилига камида 10 та, совхозда 15 та уй (квартира)ни ишга туширишни конкрет мақсад қилиб олган Ростов областининг ташаббуси омма ташаббускорлиги ва активлигини ривожлантириш кўп нарсаларга қодир эканлигини кўрсатиб турибди. Бу ерда общий Совети сессиясида тасдиқланган кенг ҳаракат системаси — қишлоқ қурилишига ихтисослаштирилган ташкилотларда қўшимча қувватларни кенгайтириш ва моҳаллий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан то шаҳар уйсозлиги базасидан кенг фойдаланишгача бўлган системасн ана шунга бўйсундирилгандир.

Ишга собиткадамлик билан киритилган жойларнинг ҳаммасида муваффаият қозонилмай қолаётгани йўқ. Муҳими индивидуал ва кооператив қурилишни кенгайтириш учун тегишли чоралари амалга оширмоқ керак. Агар республика Қишлоқ хўжалик министрлигининг маълумотлари бўйича хулоса қиладиган бўлсак, Қозоғистонда 5 та совхозда атиги битта ходим қонунлаштирилган имтиёзли шартларга кўра уй қуриб олишни истайди. Бундай қурилишга бўлган ҳақиқий эҳтиёж albatta анча кўпроқдир. Муҳими тушунтириш ишларини, ташкилий ишларни кучайтириш, индивидуал қурилишни моддий ресурслар билан мустаҳкамлашдан иборатдир. Аҳоли маблағларини уй-жой қурилишини кенгайтиришга жалб қилиш ҳали яқингача қўшни Узбекистонда ҳам мураккаб иш ҳисобланарди. Бироқ республика партия органлари ишни ўз қўлларига олиб, қишлоқда уй-жой қурилиши кооперациясини ташкил этишни «Узколхозстрой»га топширганларидан кейин ҳозир республикада 700 дан кўпроқ қишлоқ уй-жой кооперативи ишлаб турибди. Уч йил мобайнида уч мингдан кўпроқ уйда ҳовли тўйлари ўтказилди.

Хўжалик раҳбарлари, партия комитетлари, совет ва касаба союз органлари қишлоқ меҳнаткашларининг уй-жой ва маиший эҳтиёжларини, ўсиб бораётган маданий талабларини қондириш тўғрисида ишлаб чиқаришни ривожлантиришдан кам бўлмаган даражада ғамхўрлик қилишлари керак. Қишлоқ уйсозлигини кенгайтиришга эришиш билан биргаликда қурилаётган уй-жойларнинг қишлоқ аҳолиси турмуш ҳусусиятларига ва манфаатларига тўла мос бўлиб тушишига эътибор бериш, қишлоқ турар жойларининг архитектурасини, унинг инженерлик таъминотини, қурилиш сифатини қатъият билан яхшилаш лозим. Буларнинг ҳаммаси қишлоқни қайта қуриш бўйича умумдавлат фаолиятига муҳим ҳисса бўлиб кўшилади.

(«СЕЛЬСКАЯ ЖИЗНЬ» газетасининг 1980 йил 6 август сонидаги бош мақоласи).

Тошкент области ва Ромитан райони деҳқонлари ташаббуси изидан

МАЖБУРИЯТ МАСЪУЛИЯТИ

Совхозимиз деҳқонлари бу йил 4314 гектар ерда пахта етиштирмоқдалар. Ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида ҳосилдорликни гектар бошига пландаги 31 ўрнига 40 центнерга етказишга аҳд қилганмиз. Хўжалигимиз меҳнат аҳли ана шу мақсад йўлида астойдил меҳнат қилмоқда. Шу кунга қадар ғўзага 5 марта комплекс ишлов бердик, икки марта суғордик. Суғориш деҳқончиликдаги энг муҳим ва нозик масаладир. Сувчининг маҳорати билан ғўзалар янада серҳосил бўлиши, ҳосил нишоналарининг тезроқ пишиб етилишига шароит яратилиши мумкин.

Бироқ сувчи хатога йўл қўядиган бўлса, йил бошидан бери қилинаётган меҳнатимиз чиппакка чиқади. Шуни ҳисобга олиб, сувчиларимиз фаолиятига алоҳида эътибор бермоқдамиз, уларнинг унумли ишлаши учун зарур шароит яратилмоқда. 190 нафар тажрибали сувчи экинларни саратон сувига қондирмоқда.

Тошкент области ва Ромитан райони деҳқонларининг бу йилги ҳосилни барвақт тез ва соз йиғиштириб олиш ҳақидаги ташаббуслари бизларга ҳам маъқул келди. Бу йил ҳосилни барвақт етилтириб, қисқа муддатларда йиғиб-териб Ватан омборига топшириш учун барча имкониятлар бор. Ҳозирданоқ йиғим-терим мавсумига пахта тайёргарлик кўрилмоқда, бу соҳада конкрет тадбирлар белгиламоқдамиз.

Чеканкани вақтида, сифатли ўтказиш мўл ҳосил тўплаш ва уни барвақт етилтириб олиш имконини беради. Чеканкага бу йил анча барвақт киришдик. Хўжалигимиздаги мавжуд 44 та чилпиш агрегатидан, ишчи кучларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилдик. Натижада дастлабки чеканка 26 июлда, такрорийси эса август ойининг бошида тамомланди.

Экинларимизнинг ҳозирги ривожи, уларда тўпланаётган ва кун сайин, соат сайин етилаётган ҳосил салмоғидан хурсандмиз. Ўтган йили Очил Жўраев раҳбарлик қилаётган 6-бўлим деҳқонлари 36 центнердан, 5-бўлимдан Ўрол Дўсиев, 6-бўлимдан Наримон Гафаров ўртоқлар бош бўлган бригада коллективлари 40 центнердан ҳосил олган эдилар. Бу йил ҳосилдорликни хўжалик бўйича 40 центнерга етказамиз. Очил Жўраев бошлиқ бўлим азаматлари эса 400 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан хирмон кўтаришга аҳд қилишган. Совхозимиздаги 13 та бригада коллективи КПСС XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига 50 центнерлик маррани эгаллашга бел боғлашган. Булар орасида Абдуғаффор Хидиров, Толиб Жўраев, Насибхўжа Мирзахўжаев, Шарофат Қаюмова сингари донгдор пахтакорлар бошчилик қилаётган коллективлар бор.

Хўжалигимизда пахтачиликни комплекс механизациялаш соҳасида бой тажриба тўпланиб келмоқда. «Оқ олтин» етиштиришдаги асосий меҳнатни техника зиммасига юклаганмиз. Бу йил давлатга 1200 тоннадан зиёд уруғлик пахта етказиб беришимиз керак. Қолган ҳосилнинг 95 процентини техника ёрдамида йиғиштириб оламиз. Совхозимиз далаларида 115 та «зангори кема» ишлайди. Уларнинг ҳаммасини барвақт ремонтдан чиқариб, мавсумга шайлаб қўйганмиз.

Механизаторларимиз бу йил ҳар бир агрегат билан 135—140 тоннадан пахта териб олишмоқчи. «Зангори кема» капитанларининг сардори Мавлонқул Маматмусаев ўтган йили 260 тонна пахта терган эди. Бу йил эса 350 тонна «оқ олтин» териб бериш мажбуриятини олди. Шунингдек, Дилбар Эшонқулова, Эргашали Зиёбоев, Аблямет Асанов, Эргаш Ашурматов, Михаил Рибаков сингари тажрибали механизаторларимиз ҳам мавсумда 250—300 тоннадан пахта теришга сўз беришди. Яна 50 нафар йигит-қиз механик-ҳайдовчиларнинг 2 ойлик курсини битиришмоқда.

Бу йил ҳам машина теримини ипатоволиклар методи асосида, группа усулида ташкил этамиз. Шу мақсадда саккизта йиғим-терим отряди, 24 та звено тузилади. 8 та кўчма ремонт устахонаси эса дала гвардиячиларинг хизматида бўлади. Ҳозирга қадар 27 километр узунликдаги йўлни ремонтдан чиқардик, 17 километр йўлни асфальтлаб қўйдик. Терим агрегатлари бурилиш майдончаларининг 70 процентини қўлдан чиқардик. Ремонт устахоналарида эса сўнгги ремонт ва созлаш ишлари олиб борилмоқда.

Терим машиналари билан бир қаторда 24 та подборщик, 28 та кўсак чувиш агрегати, 13 та погрузчик, 260 та тележка мавсумга шайланмоқда. Пахта теримини ҳар йилгидай «бункер — тележка — пункт» усулида ташкил этамиз. Йиғим-терим мавсуми жонқуярлари учун марказлаштирилган иссиқ овқат ташкил қиламиз, маданий-маиший муассасаларимизнинг ишларини далага кўчирамиз. Бўлимлар ва бригадаларо механизаторлар мусобақасини кучайтирамиз.

20—25 августда дефолиацияни бошлаймиз, узоғи билан 5 сентябрда машина теримига тушамиз. Совхозимиз деҳқонлари ва механизаторлари 5—10 октябрга қадар йиллик планинигина эмас, балки олинган социалистик мажбуриятларини ҳам шараф билан адо этадилар. Бу эса КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездига муносиб совғамиз бўлади.

П. ИУЛДОШЕВ,
Боёвут районидаги Пушкин номли совхоз директори.
Сирдарё области.

Жарқўрғон районидаги «Шарқ Юлдузи» колхозининг Иқбол Бойқулова бошлиқ бригадаси аъзолари мактанчўқ ҳосилдан юқори ҳосил етиштирдилар ва ўрим-йиғимни жадаллик билан олиб бормоқдалар. Ҳар гектар майдондан 100 центнердан «кахрабо дон» хирмони кўтариш учун социалистик мусобақа кучайтириляпти. Механизатор Қарши Ҳайитов «Херсонец» комбайнида кунлик графикни бир ярим — икки ҳиссага етказиб бажаряпти. Суратда: бригадир Иқбол Бойқулова.

И. Хўжаев фотоси. ЎзТАГ фотохроникаси.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА

МУСОБАҚАГА БАҒИШЛАБ

«Беш йилликни қолоқларсиз якунлаймиз» — бу шиор мусобақадош Комсомолобод район **«Комсомолобод тонги»** ва Зарқарё район **«Коммунизм йўли»** газеталари қўшма сони материалларининг мазмуни ташкил этади. Зарқарё районидаги «Гигант» колхозининг бригадири А. Турғуновнинг «Маррамиз — 50 центнер», Комсомолобод районидаги «Партия XXIV съезди» совхозининг директори Ҳ. Полвоновнинг «Биз партиямизни улуғлаймиз», «Зарқарё районидаги «Гулбоғ» совхози бригадири О. Жўраевнинг «Юксак бурч» сарлавҳали мақолаларида меҳнат коллективлари КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани тобора кучайтираётганлиги тўлқинланиб ҳикоя қилинади. «Умр чорраҳалари» лавҳасида чўлга илк бор чироқ ёққанларнинг бири — Эргашполвон Турсуновнинг қайноқ ҳаёти ва меҳнатдаги фидокорлиги мадҳ этилади.

Мусобақадош районлар меҳнаткашларининг съездолди меҳнат беллашувига бағишлаб қўшма сон чиқарган газета редакцияларининг бу иши ибратлидир.

ШОЛИКОРЛАР СЕМИНАРИ

НУКУС. (**«Совет Ўзбекистони» мухбиридан**). КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига социалистик мусобақанд авж олдираётган Қорақалпоғистон Автоном Республикаси шоликорлари ва механизаторлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида ҳар гектар майдондан 50 центнердан ҳосил кўтариб, ялпи ҳосилни камида 300 минг тоннага етказиш учун дала ишларини уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар. Кўпчилик хўжаликлар съездолди социалистик мусобақасига кўшилиб, гектаридан 60—63 центнердан, ўнлаб бригадаларнинг шоликорлари эса 75—80 центнерни кўзлаб қахрамонона меҳнат қилмоқдалар.

Нукус районидаги «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозининг хўжалик ҳисобидаги К. Кониёзов раҳбарлик қилаётган бригадасида район партия комитетининг секретарлари, хўжалик раҳбарлари, бўлим ва бригада бошлиқлари, механизаторлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, активлари иштирокида кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Кўргазмали семинар ҳамма майдондаги шолининг тезроқ пишиб етилишига, унинг бир граммини ҳам нобуд қилмасдан қисқа муддатларда ўриб-йиғиб олиш, ҳар бир картани жатка ва комбайнлар эркин юришига мослаб тайёрлаш, техника ремонтини тез ва сифатли тамомлашга бағишланди. Бу ҳақда Қорақалпоғистон область партия комитетининг секретари К. Маткаримов доклад қилди.

Кўргазмали семинарда Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. Камолов шоликор ва механизаторлар олдида турган шу кунги муҳим вазифалар ҳақида сўзлади.

ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

Қува районидаги Димитров номли колхозда 50 центнерчи бригадалар кўп. Булар қаторида уста пахтакор Маҳамаджон Қўчқоров раҳбарлик қилаётган бригада ҳам бор. Бригада азаматлари 59 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил кўтариш мажбуриятини олишган. Бригада далаларида иш қизғин. Пахтакорлар ғўзани меҳр билан парвариш қилмоқдалар.

Август — ҳосилга ҳосил қўшиш ойи. Буни қалбдан ҳис қилган Тошмуҳаммад Бадалов, Исмонали Абобакиров каби механизаторлар ўз агрегатларига ҳимоя тўсиқлари ўрнатиб, ғўзага ишлов бермоқдалар. Улар ҳар бир туп ғўзани ва ҳосил шоҳини авайлашяпти. Сувчилардан Ўрмон Юнусов, Турдибой Исоқов, Шаробиддин Алиев, Садир Маҳмудов ғўзани обиҳаётга қондирмоқдалар. Улар шу кунларда ғўзага фақат «шарбат» тарашяпти.

Қир-адирларда деҳқончилик қилаётган Аҳмаджон Алимқулов бригадасида ҳам ғўза парвариши сифатли олиб бориляпти. Бу бригада азаматлари ҳам гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш учун, ҳосил нишоналарини тобора кўпайтирмоқдалар.

М. МАҲКАМОВ.

* * *

«Пахтакор» колхози Балиқчи районидаги илғор хўжаликлардан ҳисобланади. Хўжалик деҳқонлари илғорлар тажрибасидан кенг фойдаланиш, пахтачиликни комплекс механизациялаш соҳасида нобатли ишларни амалга оширяптилар. Шу боисдан ҳосилдорлик йил сайин ошиб бормоқда. Улар ўтган йили 35,5 центнердан «оқ олтин» етиштириб, районда олдинги ўринни эгаллаган эдилар.

Пахтакорлар бу йил ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни 40 центнерга етказишни кўзлашган. Бунинг учун 860 гектар майдонги ғўза агротехника қоидалари асосида парвариш қилияпти.

А. ВАҲОБОВ.

* * *

ХИВА. Фрунзе номли колхоз деҳқонлари 1505 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 50 центнердан хирмон кўтаришга аҳд қилишган. Хўжаликда ғўза парвариши уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Бу ишда тажрибали механизатор Султон Жуманиёзов билан унинг шогирди Бозорбой Болтаевлар фаол қатнашмоқдалар. Ўтган йили С. Жуманиёзов ўз агрегати билан 280 тонна «оқ олтин» териб берган эди, бу йил 300 тонналик маррани кўзлаб турибди. У агрегатини мавсумга шайлаб қўйди.

Б. ЖУМАНИЁЗОВ.

* * *

ИШТИХОН. «Муродобод» колхози миришкорлари 2349 гектар майдонгаги ғўзани юксак агротехника қоидалари асосида парвариш қилмоқдалар. Колхоз пахта далаларига ҳар куни 40 дан зиёд чопиқ трактори чиқарилиб, 220—250 гектар майдондаги ғўза қатор орларига ишлов берилаётир.

«Муродобод» колхози деҳқонлари бу йил она-Ватанга 9 минг тонна «оқ олтин» топширишмоқчи.

А. УСМОНОВ.

Планетамизда

ХАЛҚЛАР ТИНЧЛИГИ ВА ДЎСТЛИГИ ЙЎЛИДА

Москвадаги XXII Олимпиаданинг якунлари жаҳон матбуотининг диққат марказида турибди. Матбуот Олимпиада ўйинларини кенг кўламда шарҳлаб, Олимпиада жуда яхши ташкил этилганлигини, мусобақалар ниҳоятда юксак спорт даражасида ўтганлигини, бу мусобақаларда дунёдаги 80 дан ортиқ мамлакат вакиллари қатнашганлигини ҳамда мусобақалар чоғида 74 Олимпиада рекорди ва 36 жаҳон рекорди ўрнатилганлигини таъкидламоқда.

Москва «Олимпиада-80» энди тарих саҳифаси бўлиб қолган ҳозирги пайтда Совет Иттифоқи пойтахти — Москва ер юзидаги ҳамма халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик рамзи бўлмиш Олимпиада байроғини баланд кўтариб борди, дейишга ҳамма асос бор, деб ёзади Чехословакиянинг **«Руде право»** газетаси. Ўйин қатнашчилари ва Советлар мамлакатининг меҳмонлари XXII Олимпиада ўйинларига «Аъло!» деб баҳо бермоқдалар.

XXII Олимпиада ўйинлари ғўзал тинчлик байрами, Олимпиада идеалларининг ҳақиқий тантанаси бўлиб хотирамизда умрбод қолади, деб ёзади Польшанинг **«Трибуну люду»** газетаси. Олимпиада ҳаракатига Ғарбнинг бир қанча мамлакатлари, аввал АҚШ кўрсатган кучли сиёсий тазйиққа қарамай, замирида олижаноб тинчлик идеаллари ётган бу ҳаракат кучи ва пухталигини намойиш этди, халқларнинг ҳамкорлик ва ўзаро алоқа, дўстликка бўлган иродалари енгилмас эканлигини тасдиқлади.

Москваликлар «Олимпиада-80»нинг мезбонлари сифатида қийин имтиҳондан муваффақият билан ўтдилар ва дунёнинг турли жойларидан келган меҳмонларнинг мақтовларига тўла асос билан сазовор бўлдилар, деб ёзади Югославиянинг **«Политика»** газетаси. Москвадаги Олимпиада ўйинлари шу ўйинлар чоғида юксак спорт натижаларига эришилганлиги, Олимпиада рекордлари, жаҳон рекордлари, Европа рекордлари ва миллий рекордлар мўл бўлганлиги жиҳатидангина эмас, шу билан бирга у жуда яхши ташкил этилганлиги билан ҳам ҳотирада қолади. «Олимпиада-80» ҳамма жиҳатдан: ташкилий, техникавий, спорт жиҳатларидан тегишли даражада ўтди.

Спортчилар, расмий кишилар, СССРга келган туристлар катта кўпчилигининг фикрича, Москва «Олимпиада-80» улкан ва ҳар қандай мақтовларга сазовор спорт воқеаси бўлди, деб таъкидлайди Лондоннинг **«Таймс»** газетаси. Олимпиада ўйинларини бойкот қилиш барбод бўлди. Оддий инглизлар Англия спорти учун 21 та Олимпиада медалини қўлга киритган олимпиадачи спортчиларини милий қаҳрамонлар сифатида табриклашдилар, деб ёзади Лондоннинг **«Таймс»** газетаси. Олимпиада ўйинларини бойкот қилиш барбод бўлди. Оддий инглизлар Англия спорти учун 21 та Олимпиада медалини қўлга киритган олимпиадачи спортчиларини милий қаҳрамонлар сифатида табриклашдилар, деб ёзади **Пресс асошийэн** агентлиги. 100 метрга югуришда Олимпиада чемпиони бўлган юртдошлариАлен Уэллсни кутиб олгани Эдинбургнинг минглаб аҳолиси шаҳар кўчаларига чиқди. 400 метрга югуришда Олимпиада совриндори 16 яшар Линси Макдональд деган қиз ўз шаҳри Глазгога қайтиб келганида самимий кутиб олинди.

Москвада кескинликни юмшатиш руҳи галаба қозонди, деб ёзади Италиянинг **«Унита»** газетаси «Олимпиада-80» якунларини шарҳлаб, АҚШ президентининг Москва Олимпиада ўйинларини бойкот қилишга уринишлари барбод бўлди. Ўйинларнинг бориши, Олимпиаданинг тантанали ва ғўзал ёпилиши — «жазо чоралари» деб аталмиш оғиз ва ачинарли сиёсат батамом маглубиятга учраганлигининг далилидир.

Жаҳон спорти тарихида шубҳасиз муҳим ўрин оладиган Москва Олимпиадаси яхши ташкил этилган эди ва Москвадаги Ленин номли Марказий стадионда ажойиб тантана ва мушакбозлик билан тугади, деб ёзади Американинг **«Вашингтон пост»** газетаси. Ўйинларни ўтказишда ҳеч қандай муаммо келиб чиққани йўқ. Ҳолбуки, АҚШ Олимпиада учун жиҳозлар экспорт қилишдан бош тортганида муаммолар келиб чиқиши мумкин деганлар бўлган эди. Мураккаб ахборот системаси бекамкўст ишлади.

XXII Москва Олимпиада ўйинлари унинг ташкилотчиларининг меҳмондўстликлари туфайли хотирада узоқ вақт қолади, деб ёзади **«Нью-Йорк таймс»**. Бу ўйинлар Американинг Лейк Плэсид шаҳрида ўтказилган ва ҳамма нарсада — автобуслар қатновидан тортиб билет сотишгача кишини эсанкиратадиган тартибсизликлар бўлган қишки Олимпиада мусобақаларининг тамомила тескариси бўлди.

(ТАСС).

БОСМАЧИЛАРГА ҚАРШИ КУРАШГА

Афғонистон Демократик Республикасининг ҳамма жойида халқ ҳукуматини ва Афғонистон халқ демократик партияси ўтказаётган сиёсатни қўллаб-қувватлаб, аҳолининг митинглари ва йиғилишлари бўлиб ўтмоқда.

Бахтар агентлигининг хабар қилишича, Фарах шаҳрида бўлиб ўтган митингда ишчи ва деҳқонларнинг вакиллари, ўқитувчилар, руҳонийлар иштирок этдилар. Ваҳоятнинг қишлоқларида ўзини-ўзи мудофаа қилувчи отрядларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бутун афғон халқи, деб таъкидлайди Бахтар агентлиги, босмачиларга қарши курашга отланмоқда. Афғон халқи империализмнинг ва региондаги реакциянинг садақаларини ўт қўйиш ва одамларни ўлдириш билан оқлаётган манфур босмачилардан ҳалос бўлишга азму қарор берган. (ТАСС).

ДАФН МАРОСИМИ

Болоньяда янги фашистлар мудҳиш жиноятларининг қурбони бўлган кишиларни дафн этиш маросими фашизмга қарши оммавий намойишга айланди.

Болоньяда дафн этиш маросимида неча юз минглаб итальянлар — қаршилик кўрсатиш ҳаракати ветеранлари, энг йирик касаба союз марказларининг активлари, таниқли жамоат арбоблари, ишчилар ва студентлар қатнашдилар. Мотам маросимида Италия Республикасининг президенти А. Пертини, парламентдаги барча сиёсий партияларнинг делегациялари, шу жумладан Италия Компартиясининг Бош секретари Э. Берлингуэр бошчилигидаги Компартия делегацияси иштирок қилди. (ТАСС).

Ўзбекистон ва жаҳон

ҚАРДОШЛАРЧА ЁРДАМ

Ангола Халқ Республикаси қишлоқ хўжалик министри Мануэл Пакавира Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министри И. Ҳ. Жўрабеков билан суҳбатда бундай деди: — Ўзбекистон мутахассислари ташкил қилган дастлабки икки давлат хўжалигининг тажрибаси мамлакат учун зарур бўлган қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришни жадал ривожлантириш учун ишонч бағишлайди.

У айтдики, якин йиллар ичида Ангола мамлакат учун ҳақиқатан ҳам «оқ олтин» ҳисобланган 80 минг тоннадан пахта етиштириши мумкин. Мамлакатда мустамлакачилар ҳукмронлик қилган даврда энг ҳосил йилда атиги 48 минг тонна пахта етиштирилган эди.

Анголанинг ўтмишига кичик экскурсия қилиш — Африкадаги шу республикага Советлар мамлакатининг беғараз ёрдами қанчалик катта аҳамиятга эга бўлганлигини яхшироқ тасаввур этиш имконини беради.

Ангола шу йил ноябрь ойида ўз мустақиллигининг беш йиллигини нишонлайди. Олтмиш мерос қолдирган Португалиянинг беш асрлик мустамлакачилик ҳукмронлигидан кейин атиги беш йил ўтди. Рақамларга мурожаат этайлик. Мамлакат аҳолисининг 85 процента қишлоқда яшаб, деҳқончилик учун яроқли бўлган атиги 3 процент майдонда меҳнат қилади. Кадрлар, техника, химикатлар етишмайди. Бу ерда табиий шароитлар бир йилда бир неча марта ҳосил кўтариш имконини беради, Ангола ўз ерининг маҳсули билан 150 миллион кишини боқа олиши мумкин. Лекин атиги олти миллион кишидан иборат мамлакат аҳолиси очликдан азоб чекарди. Ҳатто мустамлакачилар етиштирилган маҳсулотни ҳам мамлакатдан олиб кетардилар: улар қишлоқ хўжалигининг энг кўп фойда келтирадиган тармоқларинигина ривожлантиришга ҳаракат қилардилар. Халқ эса бир бурда нонга ва кийим-кечак учун пахтага зор эди. Мустамлакачилар Ангола диёридан кета туриб, машина-механизмларни йўқ қилиб ташладилар, экинзорларга ўт қўйдилар, далаларни пайхон қилдилар. АҚШ, Англия, Заир, Жанубий Африка Республикасиниг ёлланган отрядлари бу бузғунчилик ҳаракатларини поёнига етказдилар. Фермалар ҳувиллаб қолди. Далаларни бегона ўтлар босди.

Совет кишилари ана шундай шароитда Ангола халқига биринчи бўлиб ёрдам қўлини чўздилар. «Жорнал ди Анголa» газетаси 1978 йилдаёқ бундай деб ёзган эди: «Луанда яқинидаги экспериментал пахтачилик марказида ўтказилган тажрибаларнинг натижалари қишлоқ хўжалиги соҳасида муваффақиятга эришишга бўлган умидимизни мустаҳкамлайди. Совет пахтакорлари қизиқарли илмий методлар ва агротехника усулларини қўллаб, мамлакатимизда мисли кўрилмаган ҳосилдорликка эришдилар».

Бу ерда гап Ўзбекистондан келган мутахассислар ҳақида борарди. Газетада босилган мақолада сўнгра экспериментал қишлоқ хўжалик марказлари ҳақида ҳикоя қилинди.

Булардан бири пахтачилик маркази бўлиб, у Луанда яқинидаги Ангола пахтачилигининг анъанавий районида Онга-Занга деган қишлоқда, иккинчиси ғаллачилик маркази — мамлакат жанубидаги Лубанга шаҳри яқинидаги Умпатада жойлашган. Ўзбек инженерлари, агрономлари, олимлари ҳар икки марказда давлат хўжаликлари — замонавий техника билан таъминланган давлат қишлоқ хўжалик корхоналарини тўзишда ангола лик дўстларга кўмаклашдилар.

Ўзбекистон Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги давлат хўжаликларини барпо этишда бош пудратчи бўлди. Министр И. Ҳ. Жўрабеков совет делегациясига бош бўлиб, яқинда Анголага борди ва бу ишларнинг дастлабки якунларини чиқарди.

— «Онга-Занга» давлат хўжалигида, — деб ҳикоя қилади И. Ҳ. Жўрабеков, — пахта етиштириш учун ҳозиргидек салкам 250 гектар ер ўзлаштирилган. Бу ерлар олдин бўталардан, баобаларнинг жуда катта илдизларидан тозаланди. Сўнгра ерлар яхшилаб текисланди ва ботқоқликлар қуритилди, суғориш шохобчалари ўтказилди. Шу ерга яқин жойдаги қўлдан насослар ёрдамида сув чиқариладиган бўлди: бу ерда пахта Ангола тарихида биринчи марта суғориладиган ерда етиштирилмоқда. Яқин бир йил ичида давлат хўжалигида суғориладиган ерлар 500 гектарга етказилади, яна 500 гектар лалми ер қўшилади.

Бу ерда асосан пахтанинг «Тошкент» навлари етиштирилади, давлат хўжалигида совет тракторлари, сеялкалари, культиваторлари, пахта териш машиналари ишламоқда — буларнинг ҳаммасига Тошкент заводларининг маркаси қўйилган. Замонавий машина-механизмларни ва агротехника усулларини қўлланиш лалми ерларда етиштирилган маҳаллий нав пахта ҳосилини 2—3 баравар ошириш имконини берди.

Пахтачилик комплекси машиналарида ҳозирча асосан Ўзбекистон мутахассислари ишламоқда. Аммо давлат хўжалигида ҳунар-техника мактаби очилган бўлиб, бу ерда Ангола ёшларидан олтмиш киши пахтакорлик маҳоратини ўзлаштирмоқда. Улар бутун мамлакат ўқиганидек эўр ҳавас билан ўқимоқдалар. Мамлакат аҳолисининг 85 процента — қора танли анголларнинг аслида ҳаммаси, умуман ўқиш ва ёзишни билмасди.

«Умпата» ғаллачилик давлат хўжалигида ҳам далалар тозаланиб, текисланди, суғориш шохобчалари ўтказилди. 400 гектар суғориладиган ерларда биринчи марта донли экинлар етиштирилмоқда. Бўғдой маҳаллий навларининг ҳосили уч марта, маккажўхори ҳосили икки марта ошди, карам, батат, сабзи сингари сабзавот ҳосили эса бундан ҳам кўпроқ ортди. Энг хилма-хил касбдаги совет кишиларидан иборат агрономлар, ирригаторлар энтомологлар, механизаторлар бу ерда ишлаб, ўз билимлари, тажрибаларини давлат хўжалигининг ишчилари билан, атрофтеварақдаги қишлоқ аҳолиси билан баҳам кўрадилар. Ҳамма ишлар, дейди министр, текин бажарилмоқда.

Давлат хўжалигида клуб очилди, мактаб бор. Бу ерда Ўзбекистондан борган мутахассислар, Ангола ўқитувчилари билан биргаликда болаларни ва катта ёшдаги кишиларни ўқитмоқдалар. Механизаторлар тайёрлаш курслари очилган бўлиб, бу ерда Ангола хотин-қизлари биринчи марта эркаклар билан биргаликда машиналарни бошқариш санъатини ўрганмоқдалар.

Ҳозир Ўзбекистон Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигида янги лойиҳаларнинг техникавий-иқтисодий асослари ишлаб чиқилмоқда. Ангола учун яна бешта давлат хўжалиги барпо этилади. Бу хўжаликлар 1981—1985 йилларда, социализм йўлини танлаб олган халқ тарихидаги биринчи беш йиллик мобайнида ишга туширилади.

С. ФРОЛОВА,
ЎзТАГ мухбири.

Оммавий намойишлар

ВАШИНГТОН. Қўшма Штатларда Эрон манфаатларига зид бўлган васваса авж олдирилганлигига қарши оммавий норозилик намойишлари давом этмоқда.

АҚШ пойтахтида американ-лик мусулмонлар Вашингтон ушмаси ташкил этган оммавий намойиш «Марказий разведка бошқармаси — Эрондан қўлингни торт!», «Эронга нисбатан сиёсий дўқ-пўписаларга чек қўйилсин!», «Полиция бебошлигига йўл қўймаймиз!» деган шиорлар остида ўтди. Намойиш қатнашчилари 27 июлда АҚШнинг Эронга қарши сиёсатига норозилик билдириш юзасидан Оқ уй олдида ўтказилган намойиш вақтида қамоққа олинган 200 эронликдан шафқатсиз қасос олинаётганлигини қаҳр-ғазаб билан қораладилар.

НЬЮ-ЙОРК. Жамоатчиликнинг қаттиқ норозилигига дуч келган Америка маъмурлари Отисвилл турмасида (Нью-Йорк штати) ётган 200 га яқин эронлик маҳбусни ва шу жумладан Нью-Йорк шаҳридаги махсус аёллар турмасига ташланган 20 эронлик аёлни 6 августда бўшатиб юборишга мажбур бўлдилар. Аммо хабар беришларича, эронликлардан бири — М. Сафари шу воқеадан анча илгари Вашингтонга жўнатилган. У Оқ уй олдидаги намойиш вақтида «полицияга ҳужум қилиш»да айбланиб, Вашингтонда суд-сўроқ қилиниши керак.

Сан-Диего шаҳрида (Калифорния штати) полиция томонидан қамоққа олинган эронликлардан 30 киши ҳали турмада ётибди.

(ТАСС).

КАПИТАЛ ДУНЕСИ

ИШСИЗЛИК ИСКАНЖАСИДА

◆ Сўнгги расмий маълумотларга кўра Қўшма Штатлардаги ишсизлар сони 8,2 миллион кишини ёки меҳнатга яроқли аҳолининг 7,8 процентини ташкил этади.

◆ Германия Федератив Республикасида ишсизлик ўсиб бормоқда. Меҳнат масалалари бўйича федерал бошқарманинг хабар қилишича, шу йилнинг июль ойида мамлакатда 853 мингдан ортиқ ишсиз бўлган.

«АЛЛЕН» КУЧ ТЎПЛАМОҚДА

Ямайка ва Гаити соҳилларидаги томон «Аллен» довули яқинлашмоқда. У Карибе денгизи шарқий қисми тарихидаги энг хатарли довуллардан биридир. Шамол тезлиги довул марказида соатига 270 километрга етмоқда.

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

ТЕҲРОН. Бозорган ҳукуматида миллий мудофаа министри лавозимини эгаллаган адмирал Мадани депутатлик мандатидан маҳрум этилди. Эрон мажлиси (парламенти)нинг депутатлари Маданини АҚШ ва шоҳнинг САВАК маҳфий полицияси билан алоқада бўлганликда, шунингдек шоҳ тарафдорлари бўлган Эрон армияси баъзи генералларининг Эрондан қочиб кетишига кўмаклашганликда айбладилар.

Эроннинг таниқли дин арбоби оятилло Халхалий ўзидаги мавжуд маълумотларга кўра, адмирал Мадани Эроннинг ҳозирги режимига қарши яқинда фош этилган фитна қатнашчилари билан мустаҳкам алоқада бўлганлигини айтди.

ХИРОСИМА. Бу ердаги тинчлик боғида Америка Хиросимани атом билан бомбардимон қилганлигининг 35 йиллигимуносабати билан расмий маросим бўлиб ўтди. Муниципалитет уюштирган маросимда атом бомбардимонидан ҳалок бўлганлар сони кейинги йил ичида яна 2279 кишига кўпайганлиги хабар қилинди.

Хиросима ҳокими Такэси Араки «Тинчлик декларацияси»ни ўқиб берди. Бу декларацияда жаҳонда ҳарбий мақсадлар учун ажратилаётган маблағларнинг кўпайиб бораётганлигидан ва қуролланиш пойгасининг давом этаётганлигидан ташвиш изҳор этилади. Ҳужжат барча давлатларнинг раҳбарларини ядро қуролини тақиқлаш, қуролсизланишга эришиш ва ер юзида мустаҳкам тинчлик ўрнатиш мақсадида яна зўр куч-ғайрат сарфлашга даъват этади.

ГАВАНА. Боливия мустақиллиги эълон этилган куннинг 155 йиллиги Ла-Пасда оммавий тинтув ва қамашлар, маҳбусларни азоблаш ва таҳқирлаш, ҳарбий соқчиларнинг террори ва матбуотнинг қаттиқ цензура остига олиниши вазиятида «нишонланди».

Реакцион ҳарбийлар мамлакатнинг ватанпарвар кучларига қарши жазо чораларини қаттиқ қўлламоқдалар. Пойтахтда комендантлик соати ўзайтирилди. Энди у кечқурун соат 9 дан эрталаб 7 га қадар давом қилади. Боливиянинг таниқли сиёсий ва жамоат арбобларидан 100 дан ортиқ киши панох топган Ла-Пасдаги Венесуэла элчихонасини солдатлар ва полиция отрядлари қуршаб олган. Маъмурлар ўнг террор қурбонларига медад кўрсатган Венесуэла дипломатик ваколатхонаси шаҳнига дўқ-пўписа қилмоқдалар.

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон хотин-қиз альпинистларининг биринчи экспедицияси Эверест тоғ чўққисига 1984 йилда чиқади. Ҳиндистон альпинистлар федерациясининг вице-президенти Мохан Кохли шуни маълум қилди. Эверестда, деб таъкидлади у, экспедиция учун ҳозирданоқ база ҳозирлаб қўйилди. М. Кохли 1965 йилда жаҳоннинг энг юксак чўққисини забт этган ҳинд группасига бошчилик қилган эди. У спортчи қизлар ана шу баланд тоғ чўққисига чиқишга тайёргарлик ишларини бошлаб юборганларини айтди. (ТАСС).

ЎРМОНЧИЛАРНИНГ БОҒЛАРИДА

Республика ўрмон хўжаликларининг ходимлари ўз боғларида мева дарахтлари ҳосилини териб олишга киришдилар. Ўзбекистон ССР ўрмон хўжалиги министрининг биринчи ўринбосари Ф. Фахриддинов мева конвейери қандай ишлаётганлиги, ўрмон боғдорчилигининг ривожланиш истиқболлари ҳақида ЎзТАГ мухбирига қуйидагиларни гапириб берди.

— Ўрмон хўжаликларининг ходимлари КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, бутун ҳосилни энг яхши муддатларда йиғиб-териб олиш, уларни нест-нобуд қилмай истеъмолчиларга етказиб бериш мажбуриятини олдилар. Ўрмончиларнинг кенгайиб бораётган боғлари Ўзбекистонда мева етиштиришни кўпайтиришда яхши қўшимча резервдир.

Республика ўрмон хўжалиги министрлиги хўжаликларининг меҳнаткашлари беш йиллик бошидан бери 24,5 минг тоннадан знёд ҳўл мева, шу жумладан анчагина ёнғоқ, писта, бодом етиштириб тайёрлов ташкилотларига топширдилар. Кўпгина хўжаликлар беш йиллик план ва социалистик мажбуриятларини анча ошириб бажардилар. Масалан, Қашқадарё областининг ўрмон хўжаликлари кейинги тўрт йил мобайнида тайёрлов органларига 1,7 минг тонна мева етказиб бердилар, бу топшириқнинг 141 процентини ташкил этади. Самарқанд, Тошкент, Андижон, Наманган, Сурхондарё, Бухоро областларининг ўрмон хўжаликлари планларини анча ошириб бажардилар. Чирчиқ, Бурчмулла, Оҳангарон, Баҳмал, Каттақўрғон, Самарқанд, Қаршн, Яккабоғ ва бошқа ўрмон хўжаликлари, бир қанча ўрмон ташкилотлари ўн биринчи беш йиллик ҳисобидан маҳсулот топширимоқдалар.

Кўпгина илғор хўжаликлар, боғдорчилик бригадалари ҳар йили мўл ҳосил етиштиримоқдалар. Узун, Каттақўрғон, Самарқанд, Косон, Наманган, Хоразм, Андижон ўрмон хўжаликларидаги илғор коллективлар ҳар гектар ердан 70 центнергача ва ундан кўп ҳўл мева олмоқдалар. Косон ўрмончилиги Чиндовул ўрмон участкасининг бригадири Миртурсун Миртамавжудов гектар бошига 136 центнердан мева олди, Шофиркон ўрмон хўжалиги боғбонлари ҳар йили гектар бошига 100—120 центнердан мева олиб турибдилар.

Республика ўрмон хўжалиги ходимлари маданий боғларни кенгайтириш борасида катта ишлар қилмоқдалар. Министрлик системасида 5,5 минг гектардан кўп шундай боғлар бор. Шулардан 2,3 минг гектари ҳосил бермоқда. Ёввоёи олма, бодом, писта, ёнғоқ, олчаларни пайвандлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Узун ва Боботог ўрмон хўжаликлари, Шеробод ўрмон мелиорация станцияси бодом ва олмани яхшилаш борасида анчагина ишлар қилди.

Беш йиллик бошидан бери тоғ ёнбағирлари ва водийларда 9,5 минг гектар ер ёнғоқзор барпо қилинди. Эски боғлар янгиланмоқда. Каттақўрғон ўрмон хўжалигининг пистазорларида бу иш катта кўламда амалга оширилмоқда. Шу хўжалик базасида Саройқўрғон ёнғоқчилик ўрмон хўжалиги барпо этилди. Сирдарё, Жиззах, Бухоро областларида ихтисослаштирилган ёнғоқ хўжаликлари ташкил этилди.

Ўзбекистон ССР Ўрмон хўжалиги министрлиги ишлаб чиққан тадбирларга мувофиқ боғ майдонларини кенгайтириш, ёнғоқзор, пистазор, бодомзор барпо этиш ва мевали дарахтзорларни яхшилаш ишларини давом эттириш мўлжалланади. Яқин беш йилликда мева етиштиришни 1980 йилга нисбатан икки баравар кўпайтириш ва уни йилига 10 минг тоннагача етказишга қарор қилинди.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎзТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

РЕСПУБЛИКАМИЗ БЎЙЛАБ

● БУХОРО

ИМТИЁЗЛИ ДИПЛОМЛИЛАР

«Навоийазот» бирлашмасининг 6 нафар ишчисига олий ўқув юртларини битирганлик ҳақидаги имтиёзли дипломлар топширилди. Бу йил азотчилардан ўттиз ишчи ва хизматчи диплом лойиҳаларини ҳимоя қилдилар. Эндиликда бирлашмада беш йиллик бошидан буён ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ўқув юртларининг дипломларини олган 150 киши бор.

● ТОШКЕНТ

ҚЎЧМА МИНБАР

Тошкентдаги «Подъёмник» заводининг коллективи одатдан ташқари буюртмани бажарди. Бу ерда кўчма минбар тайёрланди. Бу минбар Ўзбекистон пойтахтида қуриб битказилаётган республикада энг катта кино-концерт зали саҳнасига монтаж қилинади. Тантанали мажлисларга тайёргарлик кўриш чоғида минбар махсус механизмлар ёрдамида саҳна ичкарисидан суриб чиқарилади.

● ЖИЗЗАХ

УЗУМДАН МЎЛ ҲОСИЛ

Молгузар тизма тоғи ёнбағирларида узумдан мўл ҳосил етиштирилди. Бунда В. Д. Журин номли Ўрта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институти олимларининг хизмати катта. Улар республикада биринчи бўлиб тоғ ёнбағирларидаги токзорларни томчилатиб суғориш усулини қўлладилар. Сув оз-оздан, лекин нормал ривожланиш учун бемалол етарли миқдорда токларнинг илдизига юборилиб турилади. Натижада сув тежалиб, ўсимликларни обиҳаёт билан таъминлаш яхшиланади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ИНСТИТУТ БЎЙИЧА — мудирлар (профессорлар, доцентлар); бухгалтерия ҳисоби ва молия, меҳнатни муҳофаза қилиш ва машина-трактор паркидан фойдаланиш, энтомология ва зоология, фитопатология;

доцентлар: сиёсий иқтисод, бошқариш ва совет ҳуқуқи, селекция ва уруғчилик, тупроқшунослик, философия, ўрмон мелиорацияси, рус тили, физика ва қишлоқ хўжалик метеорологияси, ипакчилик, иқтисодий кибернетика, бухгалтерия учети ва молия, социалистик қишлоқ хўжалик экономикаси (2 ўрин), меҳнатни муҳофаза қилиш ва машина-трактор паркидан фойдаланиш;

катта ўқитувчилар: жисмоний тарбия, қишлоқ хўжалик мелиорацияси ва суғориладиган деҳқончилик;

ассистентлар: философия (2), сиёсий иқтисод, илмий коммунизм, қишлоқ хўжалик чорвасининг анатомияси ва физиологияси, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва планлаштириш (2), социалистик қишлоқ хўжалик экономикаси;

жисмоний тарбия ўқитувчиси (3).

ФАРҒОНА ФИЛИАЛИГА — ассистентлар: сиёсий иқтисод, марксизм-ленинизм, қишлоқ хўжалик экономикаси ва уни ташкил этиш (3), бухгалтерия учети ва хўжалик фаолиятини анализ қилиш.

Конкурс муддати — 23 августгача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳри-183, кадрлар бўлими.

ТОШКЕНТ ҚОҒОЗ КОМБИНАТИ

Байкальскдаги 2-техника билим юртида ўқиш учун целлюлоза-қоғоз саноати ихтисослари бўйича 1980—1981 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

контроль-ўлчов асбоблари ва автоматика бўйича слесарь, саноат ускуналари ремонти ва хизмати бўйича электр монтёр (фақат йигитлар), **қуритувчи, прессчи, қирқувчи, майдаловчи, қоғоз ва картон қиладиган машиналар машинисти.**

10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 17 ЕШДАН ЮҚОРИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ИМТИҲОНСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Барча ихтисослар бўйича ўқиш муддати — бир йил.

Билим юртига қабул қилинганларга стипендия (ўрта махсус ўқув юртлари даражасида) ҳамда корхона маблағи ҳисобидан ойига 42 сўм тўланади.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона, стипендиянинг бир қисми ҳисобига озиқ-овқат билан таъминланадилар.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: билим юртн директори номига таклиф касбини кўрсатиб ёзилган ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), медицина справкаси (286-форма), ўқиш ёки иш жойидан характеристика; турар жойидан, оилавий аҳволи тўғрисида справкалар, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ишлайдиганлар учун), 6 та фотосурат (3х4 см. ҳажмида, бош кийимсиз).

Паспорт ва ҳарбий рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

Байкальск шаҳридаги ўқиш жойигача етиб олиш фабрика ҳисобидан бўлади.

Билим юртини тамомлаганлар Тошкент қоғоз фабрикасига доимий ишга юборилади.

Ҳужжатлар — 15 августгача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри — 5, Куйбишев шоссеси, 23-уй, кадрлар бўлими (5-трамвайнинг «Ипподромная», 7, 25, 52, 106, 68-автобусларнинг «Узбум» бекати).

ФАРҒОНАДАГИ 25-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1980—1981 ўқув йилига қуйидаги мутахассисликлар бўйича қиз ва йигитларни

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

экскаватор машинистлари, электр пайвандчилар, автомобиль кран машинистлари, минорали кран машинистлари, оғир кран машинистлари, бульдозер машинистлари, слесарь-сантехниклар.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1 ЙИЛ. 17 ВА УНДАН ЮҚОРИ ЕШДАГИ ўРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртига қабул қилинганлар стипендия билан таъминланади, узоқдан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Ариза қуйидаги ҳужжатлар билан топширилади: аттестат (асли), паспорт, ҳарбий билет, соғлиги ҳақида справка, 3х4 см. ҳажмдаги фотосурат.

Ўқувчилар ўқишни тугатгандан кейин турар жойларидаги ёки республика бўйича танлаган жойларига ишга юборилади.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Бизнинг адрес: Фарғона шаҳри, Қиргули, Энтузиастлар кўчаси, 9-уй. Телефонлар: 205-55, 205-35.

●

«ЭЛЕКТРОСИБМОНТАЖ» ТРЕСТИНИНГ

9-МОНТАЖ УЧАСТКАСИГА

электр монтажчилар, контроль-ўлчов асбоблари ва автоматика слесарлари, газ-электр пайвандчилар (3—6-разрядли)

КЕРАК

Участка Ўзбекистон ССРнинг ҳамма областларида, Қорақалпоғистон АССРда, Талдимаржон ГРЭСида, Муборак ТЭЦида, Андижон ГЭСида, Фарғона водийси бўйлаб, Новоангрен ГРЭСида станциялар ва подстанцияларнинг электр қисмларини монтаж қилиш ишларини бажаради.

Иш ҳақи — ишбай. Командировка ўрнида ойига тариф маошининг 50—75 процента ҳажмида устама тўланади.

Бизнинг адрес:

Тошкент область, ТашГРЭС, Телефон 62-59-61, қўшимча: 4-85, 4-73, 6-73.

Самарқанд шаҳри, 17-алоқа бўлими, Ҳиндистон ГЭСи.

Тахиатош шаҳри, ГРЭС. Телефонлар: 555, 304, 229.

Фарғона шаҳри, 24-алоқа бўлими, Қиргули, Фарғона ТЭЦи. Телефон 3-75.

Новоангрен ГРЭСи.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигининг

«УЗСЕЛЬЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ихтисослаштирилган трестига

Жиззах, Сурхондарё, Андижон областлари ва Қорақалпоғистон АССРнинг қишлоқ жойларида доимий ишлашга катта прорабларг, прорабларг, монтаж ишларига раҳбарлик қилиш тажрибаси бўлган мастерлар, штат рўйхатига мувофиқ маош тўланади; кучланиш ва ёритиш қурилмалари бўйича электр монтажчилар; монтаж-тайёрлов участкаларида ишлаш учун электр слесарлар ва пайвандчилар; автокранларда, гидроподёмниклар, авто чуқур кавловчи машиналарда ишлаш учун механизаторлар

КЕРАК

Иш ҳақи — ишбай-мукофотли.

1, 15—1,35 район коэффициенти, шунингдек кўчма характердаги ишлар учун 30 процент қўшимча ҳақ тўланади.

Ёлғизларга шинам ётоқхоналардан жой берилади. Оилаликларга 6 ой давомида район марказлари ва посёлкалардан жой берилади.

Мурожаат учун адрес: 700084, Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 100-уй. Телефон 35-79-13.

ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ

ПАРКЕНТ ПИЧОҒИ

Айтишларича инқилобдан олдин Тошкент шаҳри корчалонларидан бири шикордан қайтаётиб Паркент қишлоғида сой бўйида томи қамиш билан ёпилган кўримсиз уйга кўзи тушибди-да:

— Анави чайла кимники?— деб сўрабди.

— Пичоқчи Мажид деганнинг дўкони, — деб жавоб қилишибди. Корчалон отини дўкон томонга бурибди.

— Пичоғинг ҳақиқатан ҳам ўткирми? — деб сўрабди устадан.

— Ўткир, тақсир, ўткир...

— Қани, мана бу занжирни қоқ ўртасидан бўлгинчи.

Шундай деб устага занжир узатибди. Узини йўқотиб қўйган уста ҳозиргина қўлдан чиққан пичоқни зарб билан урган экан занжир иккига бўлиниб кетибди.

Бу ривоят ёки ҳикоя эмас. Бўлган воқеа. Мажид бува ўткир, кескир пичок ясаб, республикамизда Паркент пичоғининг устаси деган ном қозонган.

Устанинг вафотидан кейин унинг ҳунарини ўғиллари, қирқдан ошиқ невара, чеваралари давом эттиришмоқда. Дастлаб буванинг тўнғич ўғли Шоназар ота касбини эгаллади. Боскон босиб дам берадиган, чарх тортадиган пичоқчи усталар— Абдусалом, Номозвойлар ҳам буванинг фарзандлари. Улар колхоз ташкил қилинган йиллёқ пичоқчилик артелига аъзо бўлишди.

Мажид бува ва унинг авлодлари қўлидан чиққан бежирим сопли пичоқлар совға буюмлари каторида харид қилинади. Паркент пичоғини республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидаги кўпгина ҳонадонларда, шунингдек, Африка мамлакатлари, Швеция, Болгария ва бошқа хорижий мамлакатларнинг ноёб ёдгорлик буюмлари ихлосмандлари коллекцияларида учратиш мумкин. Туризм йўли билан республикамизда бўлганларнинг аксарияти дўппи, сопол ва чинни буюмлар қатори Паркент ва Чуст пичоқларини совға сифатида сотиб олаётганликларини ким кўрмаган?!

Пичоқчиларнинг ишхонаси ижодкорларнинг устахонасини эслатади. Шоабдулла оддий эгови олова тоблаб сандон устига қўйиши билан Шокарим махсус болға ёрдамида уни зарб билан уриб, керакли шаклга келтира бошлайди. Бирзум ўтмай пичоқ тайёр бўлади. Хилма-хил асбоб-ускуналар ёрдамида ўткирланади, сайқал берилади. Кескир қилгунга қадар бир неча марта қўлдан қўлга ўтиб созланади. Пичоқ тайёр бўлгач, усталар уни оталари Шоназар Мажидова кўрсатиб, синовдан ўтказиб олишади.

— Бизнинг касбда энг нозик иш пичоқ ясаш чоғида уни «суғориш»дир, — дейди Шоназар ака. — Пичоқчининг усталиги пўлатни вақтида сув бериб пишиқтириши билан ўлчанади. Кирпичи уста бўлганингдан кейин ясаган пичоғинг бир қўлга олган одам уни қайтиб ўрнига қўёлмасин. Тасанно айтиб харид қилсин.

—Ҳозир ўн хил пичоқ ясаяпмиз, — деб сўзида давом этди у.—Совғабоп пичоқлар пўлатдан ясалади. Чустлик усталар ясаган пичоқларни ҳавас қиламиз, ҳурматлаймиз. Улар пичоқ безаги бўйича биздан устун турсалар ҳам пичоқнинг ўткирлиги бўйича бизга тан беришяпти. Ҳамкасбларимиз билан ҳамкорлигимиз, ўзаро борди-келдимиз бор, тажрибаларимизни ўртоқлашамиз. Ахир ҳаммамизнинг мақсадимиз бир — аждодларимиздан мерос сифатида олган халқ ҳунармандчилигини авайлаб асраш ва бойитишдир.

Р. ИСҲОҚОВ.

Суратда: Пичоқ устаси Шоназар ота Мажидов ўз фарзандлари Шоабдулло ва Шокарим билан.

Е. Ботиров фотоси.

ҚИЗИҚАРЛИ ТАЖРИБА

СССР Фанлар академияси Физиология институтининг олимлари маймунлар бир-бирлари билан муомала қилаётганда ишлатадиган сигналларни тушуниш йўлида янги бир қадам босдилар.

Маймунлардаги овоз коммуникация усуллари тадқиқотчиларнинг алоҳида эътиборига сазовор бўлди. Псков областида ўтказилган эксперименталар чоғида, деб ёзади ТАСС мухбири турли вазиятларда шимпанзе маймунининг етти группа овоз реакцияларини аниқлаш мумкин бўлди. Ҳайвонлар шуларнинг бири ёрдамида норозилиги, хавотирланаётганлигини ифодалайди, иккинчи хиллари уларга мўлжал олиш учун хизмат қилади, учинчи хили ўйин чоғида пайдо бўлади. Илк бор уйқуга ётиш олдидан бериладиган сигнални қайд этиш мумкин бўлди. Шовқин кўтариб, тиниб тинчимаётган маймунлар ўз бошлиғидан шу сигнални эшитгач, бирдан тинчиб, тунагани чакалак ичкарисига жўнаб қоладилар.

Олимлар маймунларнинг коммуникация усулларини ўрганиш уларнинг ҳатти-ҳаракатидаги энг муҳим хусусиятларни яхшироқ тушуниб етишга имкон беради, деб ҳисоблямоқдалар.

ФАН-ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

КОМБИНАЦИЯЛАНГАН ДРЕНАЖ

Қарши чўли совхозларининг далаларида янги хил мелиорация методи синаб кўрилди. Бу ерда горизонтал ва вертикал дренаж сизот сувини олиш анъанавий усуллари Ватан практикасида илк бор бир вақтда ишлатилади.

Комбинациялаштирилган дренаж системанинг асосий магистраллари ўртасидаги масофани бир неча баравар оширишга, бинобарин анчагина қудуқларни бўшатишга имкон берди. Шундай қилиб, дренаж тармоқларини қуриш суръатлари жуда ошиб кетди.

Комбинациялаштирилган дренаж усулини ишлаб чиққан В. Д. Журин номли Ўрта Осиё ирригация илмий тадқиқот институти мутахассисларининг ҳисобларига кўра, уни қўллаш туфайли бир гектар ердан 600 сўмлик иқтисодий самара олинади. Прогрессив методдан фойдаланиш учун яроқли ерлар жами саҳни республикада 200 гектарга боради. Шундай бўлгач, олимлар эстафетасини қабул қилган Ўзбекистон мелиораторлари халқ жамғармасига нақадар катта пул қўшишларини ҳисоблаб чиқиш қийин эмас.

(ЎзТАГ).

Футбол

ОРАЛИҚ МАРРАДА

Москва спартакчилари ва темирйўлчилари ўртасидаги учрашув билан олий лига командалари биринчи давра ўйинларига якун ясалди. Қариб бир ой давом этган таниффусдан сўнг командалар яна яшил майдонларга тушишди.

Бу йилги мамлакат чемпионатида совриндор ўринларга даъвогарлик қилаётган Киев динамочилари Минскда ўз клубдошлари билан учрашиб, бир очко олдилар. Бу ўйинда ҳисоб очилмади. Донецк футболчилари Москвада «Динамо» командаси билан беллашиб, 1:0 ҳисобида ғалаба қозониб, 13 очко билан ўз аҳволларини яхшилаб олдилар.

Сўнгги турда 2:0 ҳисоби уч марта қайд этилди. «Черноморец» — «Зенит», «Кубань» — «Қайрат», ЦСКА—СКА устидан ана шундай ҳисобда голиб келди.

Тошкентлик пахтакорчилар «Динамо» (Тбилиси) клуби билан ўйнаб, 0:3 ҳисобида енгилдилар. 7 августга келиб олий лига командаларининг турнирдаги ўрни қуйидагича:

	К	Ў	Т	О
«Динамо» К	17	31—14		23
«Спартак»	16	24—10		23
«Динамо» Тб	17	28—16		20
ЦСКА	17	20—18		20
«Черноморец»	17	17—17		19
«Зенит»	17	26—27		19
СКА	17	21—19		19
«Динамо» Мн	17	22—19		19
«Шахтер»	17	23—23		18
«Арарат»	17	16—16		17
«Динамо» М	17	16—14		17
«Қайрат»	17	17—21		16
«Торпедо»	17	11—18		13
«Кубань»	17	17—23		13
«Пахтакор»	17	12—18		13
«Нефтчи»	17	13—20		13
«Локомотив»	16	16—24		11
«Карпати»	17	11—24		11

* * *

Биринчи лига командалари иккинчи давра ўйинларини бошлаб юборишдилар. Жиззахнинг «Бўстон» командаси ўз майдонида «Помир» футболчиларини қабул қилди. Кескин спорт кураши остида ўтган бу ўйинда майдон эгалари 3:2 ҳисобида ғалаба қозондилар.

ЯНГИ ЎҚИВ ЙИЛИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Наманган областида КПСС XXV съезднинг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, халқ маорифи соҳасида ҳам муайян ютуқларга эришилди. Мактаблар ва мактабдан ташқари муассасаларнинг ўқув-моддий базаси мустаҳкамланди. Ҳозирги вақтда мактабларнинг 90 процентида дарслар кабинет усулида ўтказилмоқда. Мактаблар, ўқув кабинетлари, устахоналар, лабораториялар кенгайди. Ўнинчи беш йилликнинг ўтган тўрт йили мобайнида салкам 75 минг ўринли янги мактаб бинолари ишга туширилди.

Ўқувчиларнинг ёзги таътили якунланиб, янги 1980 — 1981 ўқув йилининг дастлабки қўнғироғи янграйдиган кун тобора яқинлашмоқда. Область халқ маорифчилари оталиқ ташкилотлари билан ҳамкорликда янги ўқув йилига ҳозирликни муддатидан илгари тамомладилар. Ҳозирга қадар 530 дан ортиқ умумий таълим мактабларига капитал ва жорий ремонтдан чиқарилди. Бундан ташқари 120 дан ортиқ мактабгача тарбия, 60 га яқин мактабдан ташқари муассасалар, ўқитувчиларнинг уй-жойлари сифатли ремонт қилинди.

— Истиқбол эгалари ҳақида ғамхўрлик қилиш бизда умумхалқ иши бўлиб қолди, — дейди область халқ маорифи бўлимининг мудири А. Ботиров. — Кейинги йилларда партия ва ҳукуматимиз ҳар бир ўқув масканида юксак иш сифати ва самарадорлигига эришиш ҳақида ғамхўрлик қилиб келаётир. Мактаб ўқувчилари ўртасида аълочилар 45 процентдан 62 процентга кўтарилгани, фан асосларини пухта, чуқур эгаллашга бўлган иштиёқ тобора ортиб бораётганлиги бунинг самарасидир. Янги ўқув йилига тайёргарлик муносабати билан 70 мингдан кўпроқ парта, салкам 20 минг стол-стул, 250 га яқин тиш даволаш, салкам 500 ошхона ва буфет яхшилаб ремонт қилинди ва қайта жиҳозланди. Мактаб устахоналари учун кўплаб станок ва бошқа жиҳозлар сотиб олинди.

Мактабларни янги ўқув йилига ҳозирлаш ўқув-тарбия ишини тағин ҳам такомиллаштиришга қаратилган тадбирларни бажариш билан қўшиб олиб борилди. Раҳбар ва педагог кадрларни таплаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш, танқис фан ўқитувчиларининг малакаси ҳамда сонини ошириш халқ маорифи органларининг диққат марказида турибди. Область мактабларидаги салкам 15 минг педагогнинг учдан икки қисми аттестациядан ўтказилди, талай қисми малака ошириш курсларида маҳорат кўникмалари олди. Янги ўқув йилида салкам 300 минг ўғил-қиз биринчи марта мактаб парталарига ўтиришини ҳисобга олиб, бошлангич синф ўқитувчиларини танлаш, жой-жойига қўйишга алоҳида эътибор берилди. Россия Федерациясининг бир қанча шаҳарлари, Москва, Ленинград, Тошкентдан келаётган ёш педагогларга ғамхўрлик кучайтирилмоқда.

КПСС XXVI съезди шарафига ўқув-тарбия ишлари савиясини ошириш, фан кабинетларини кўргазмали қуроллар, таълимнинг техник воситалари билан жиҳозлаш юзасидан районлараро социалистик мусобақа қизғин тус олди. Бу соҳада Учқўрғон, Поп, Задарё, Тўрақўрғон, Норин, Янгиқўрғон районн халқ маорифчилари пешқадамлик қилмоқдалар. Мазкур районларда оталиқ ташкилотлари билан ҳамкорликда бир қанча ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, В. И. Ленин номли Поп территориал ишлаб чиқариш бирлашмасидаги 20 дан ортиқ мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари янги ўқув йилига сифатли ва барвақт тайёрлаб қўйилди. Қўшимча синф хоналари, фан кабинетлари, лабораториялар қурилиши муваффақиятли тугалланди. Задарё районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Гигант», Учқўрғон районидаги «Ҳурмат Белгиси» орденли Ленин номли, Охунбобоев номли, Янгиқўрғон районидаги «Москва», Навоий номли, Норин районидаги «Октябрь», Косонсой районидаги Куйбишев номли хўжаликлар мактабларга оталиқ ёрдами кўрсатиш юзасидан ўз зиммаларидаги вазифаларини намунали адо этмоқдалар.

Халқимизда ҳамкорликда ҳикмат кўп деган нақл бор. Наманган шаҳар саноат корхоналари, жумладан, «Узэлектротерм» бирлашмаси, Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли шойи газламалар комбинати, машинасозлик, пахта тозалаш заводларининг коллективлари ўз оталиқларидаги мактаблар, мактабгача болалар муассасаларига яқиндан ёрдам бераётир. Ўқувчиларга дурадгорлик, темирчилик, электротехниклик, қишлоқ хўжалик машиналарини бошқариш юзасидан илк кўникмалар бериш оталиқ ташкилотлари ёрдамида амалга оширилмоқда.

Фан-техниканинг эртанги тараққиёти мактабларда таълим-тарбия нечоғли пухта қўйилганлиги билан ҳам белгиланади. Буни чуқур ҳис қилган наманганлик халқ маорифчилари ёш авлодга таълим-тарбия бериш жараёнларини тобора такомиллаштиришга интилмоқдалар.

Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Ешлар ижоди. 10.35 — Бўлинган осмон. Бадиий фильм. 2-серия. 11.40 — Концерт. 12.30 — Ҳужжатли фильм. 12.55 — 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — Туркманистон ССРда хизмат кўрсатган халқ рақс ансамблининг концерти. 16.40 — Москва ва москваликлар. 17.10 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 17.40 — Поэзия. 18.20 — Е. Сорокина ва халқаро конкурс лауреати А. Бахчиев чалади. 18.40 — Киевлик мактаб ўқувчиларининг бадиий гимнастика бўйича жаҳон мутлақ чемпиони И. Дерюгина билан учрашуви. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Мен буни қотиллик деб атайман. 20.25 — Бўлинган осмон. Бадиий фильм. 3-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Эрмитаж. 22.35 — Дунё воқеалари. 22.50 — Санъат усталарининг концерти.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30— Болалар учун фильм-балет. 12.10 — Ленин қадамжолари бўйлаб. 12.30 — Замандас. 13.20 — Спектакль. 18.20 — Қўғирчоқ фильм. 18.30 — Ешлик. 19.00 — Совет кишисига аъло хизмат кўрсатайлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Илҳом. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Оламда нима гап? 22.35 — Стартда — Ўзбекистон ёшлари.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25— Абадий дўстлик. 20.50 — Буюк зафарлар йили. 21.20 — Очиқ дарс. 22.10 — Москва муҳаётим менинг. Бадиий фильм.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Халқ қўшиқлари. 9.30 — Республика композиторларининг қўшиқлари ва романслари. 12.10 — Гулла, яшна, қўриқ ўлка. 13.00 — Ем-хашак тайёрлаш кундалиги. 13.30 — Хатларингизни ўқиб... 14.00 — Яхши уруғ — мўл ҳосил гарови. 18.30 — В. И. Ленининг Демократик революцияда социал-демократиянинг икки тактикаси асарининг 75 йиллигига. 18.45 — Юность Ўзбекистана. 20.50 — Инсон ва қонун. 21.00 — Кечки концерт. 22.30 —Миртемир. Меъмор. Романдан инсценировка қилинган боблар. 23.30 — Ў. Отажонов куйлайди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президиуми аппарати ва фалсафа кафедраси коллективлари фалсафа фанлари кандидати, доцент Ю. С. Сатторовга рафиқаси

Курбонбека САТТОРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшитириш давлат комитетининг бадиий коллективлари комитетнинг собиқ солисти, пенсионер, республикада хизмат кўрсатган артист

Мавлуда АЪЗАМОВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси. 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор— 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси —32-55-70, халқаро ҳаёт —32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши— 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат —33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20, Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27, Сурхондарё — 3-92-36, Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона —4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02125. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, Индекс 64583. Б. — 182. 9